O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY ARXIV PALATASI

Истиқлол айёми муборак!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2007 йил
28 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз аниқ ва равшан – демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш...

Аллоҳ назари тушган юртимизни ёмон кўзлардан Ўзи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик мўъжизаси

БУЮК БУНЁДКОРЛИК БИЛАН ЮЗМА - ЮЗ

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодиёнаси арафасида яна бир улуғ воқеа билан юзма- юз келдик. Мамлакатимиз бунёдкорлигининг тимсоли — «Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон» темир йўл линияси 33 ойда қуриб битирилди.

Орадан йиллар, замонлар ўтади. Ишончим комилки, мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати тилларда достон, келгуси наслларга ибрат намунаси бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

Бу йўл фақатгина Ўзбекистон учун эмас, минтақамиз тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлини қайта тикланиши учун беқиёс аҳамиятга эга.

Тасаввур этинг: денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, 223 километр узунликдаги бундай йўлни барпо этишнинг ўзи бўлмайди. Азим тоғ тизмаларининг қоқ белидан синдириб ёриб ўтиш, чидам ва собитлик билан меҳнат қилиш эвазига «бўйсундириш» мумкин бўлган қоялар ичра пўлат из тортиш кишидан матонат ва жасоратни талаб қилади. Айниқса, ёзнинг жазирамаси, қаҳратоннинг қарсиллаган аёзи, баҳорнинг селу тошқинлари — талотумларига бардош бериб ишлаган, шу бунёдкорликка ўз куч - ғайратини сарф қилган замондошларимиз ўзбекнинг, халқимизнинг иродаси, қатъиятини яна бир бор намоён этди.

Қанчалаб сунъий қурилмалар — сув ўтказувчи улкан мосламалар, кўприклар қурилди. Бекатлар ишга тушди. Коттежлар қад ростлади. «Дарбанд» станциясида 216 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, Деҳқонободда эса замонавий спорт иншооти қурилди.

Истиқлолнинг бунёдкорлик тарихига ўчмас ҳарфлар билан битиладиган бундай яратувчанлик иштирокчилари сўзсиз давримизнинг фидойилари, мустақилликни чин маънода мустаҳкамлаётган Ватан фарзандлари сифатида улуғланиши шубҳасиз.

Дунё кўз ўнгида ўз қадрини тиклаб, ёруғ манзил сари дадил қадам ташлаётган, ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаётган ўзбек халқи мана шундай бунёдкорлик тимсолида ўз келажагини ҳам барпо этмоқда.

Эртанги нурафшон кунлар умидида жипслашган миллатнинг орзу - умидлари муштараклигининг исботидир бу!

Ўз мухбиримиз
(ЎзА суратлари)





УЛУҒ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

29 август – «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» қабул қилинган кун

Кишилар дунёқараши, ҳуқуқий онгининг ўсиши, тафаккур ўзгаришлари ҳуқуқий демократик давлат учун муҳим жараён. Жамиятдаги янгиланишларни тезроқ илғаш, унга маънан тайёр бўлиш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш ҳар биримиздан ҳуқуқ ва бурчларимизни чуқур англашни талаб этади. Шубҳасиз, эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ўз фуқароларининг ана шундай фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигидан манфаатдордир.

Шу боис истиқлол йилларида халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва бу борада изчил чора-тадбирлар кўришга жиддий киришилди.

Давлатимиз раҳбари 1997 йил 20-май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда, **«Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этяпмиз. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир»**, дея таъкидлаган эдилар.

Президентимизнинг **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»**ги Фармонининг қабул қилиниши ҳам бу борада ҳуқуқий-меъёрий мезон бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бериб, фуқаролар тафаккури, дунёқараши ўзгариб бораётган бир даврда айнан шу масалаларга эътибор қаратилиши айни муддао бўлди. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини ҳам шу мақсадларга мутаносиб равишда шакллантириш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Ана шу тарихий-ижтимоий заруратни ўз вақтида англаб, давлат сиёсати даражасидаги кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилгани эришилган ютуқларнинг асосий омилидир. Бундай миқёсдаги ишлар мазмуни ва кўлами, аниқ режалар **1997 йил 29 август** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида тасдиқланган **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»**да ёрқин ифодасини топди.

Фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш каби муҳим масалалар ва уларнинг ечимини ўзида мужассам этган мазкур Миллий дастур шу бугунга қадар ҳаётга изчил тадбиқ этиб келинаётир. Албатта, мустақил мамлакатимиз истиқболи, барча соҳаларда ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шу боис ушбу Дастурда **«Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир»**, деб баҳоланганлиги бежиз эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, одамларнинг нафақат ўз ҳуқуқлари ва қонунларни билиши, балки қонунларга риоя этиши, қонунни ва одил судловни ҳурмат қилишлари улардаги ҳуқуқий маданият даражасини ифодалайди. Бунинг учун эса қонун ҳужжатлари мукаммал, ҳаётий, амалиёт билан боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозимлиги Дастурда белгилаб қўйилди. Дарҳақиқат, барча ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган мамлакатимизда қонунчилик, қонун ижодкорлигида шу йиллар давомида катта тажрибалар тўпланди. Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг нақадар ҳаётийлиги, жамият тараққиёти ва элюрт фаровонлиги учун хизмат қилиши амалиётда ўз ифодасини топиб келяпти. Бу мутаносиблик жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, одамларнинг қонунларга амал қилиши ва уни ҳурмат қилишига олиб келади.

Дастурда белгиланганидек, эндиликда қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмлари яратилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг самарали воситалари шаклланди. Юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ташкилотлари фаолият юритяпти. Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқий таълим олишлари учун барча шароитлар мавжуд, ҳар бир киши амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятига эга. Аввало, фарзандларимиз мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларини ўрганади, уларга айрим ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар берилади. Келгуси ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиб, чуқурлаштириб борилади. Шу ўринда ҳуқуқий тарбия ва таълим-тарбия муассасалари билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат идоралари ва корхоналарнинг шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари томонидан ҳам амалга оширилишини қайд этиш жоиз.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шубҳасиз, соҳага доир кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тақозо қилади. Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юридик таълим йилдан-йилга такомиллашиб, ўқитишнинг илғор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Юридик таълимнинг ихтисослашуви эса аниқ йўналишда етук мутахассислар тайёрлаш имконини бераётгани қувонарлидир. Шунингдек, ҳуқуқ соҳасида илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш энг муҳим жиҳат саналиб, бунга жиддий эътибор бериб келинмоқда.

Кенг қамровли, ҳар томонлама чуқур таҳлилларга асосланган мазкур Дастурда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишда илмий изланишларнинг устувор йўналишлари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилган. Булар: ҳуқуқий маданиятнинг мазмун-моҳияти, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларни тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашдан иборат. Айни пайтда етук олимлар, тадқиқотчилар томонидан турли ўқув-услубий қўлланма ва китоблар, илмий-оммабоп адабиётлар яратилди. Жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган тадбирлар бу борада олиб борилаётган ишлар самараси ҳақида маълум тасаввур уйғотишга кўмаклашади. Хусусан, юртимизда фаолият юритаётган «Ижтимоий фикр маркази» тадқиқотларининг хулосалари йилдан-йилга кишиларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ўсиб бораётганлигини англатиб турибди.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

Шуни қувонч билан айта оламизки, умуммиллий аҳамиятга эга бўлган ва улуғвор мақсадларни кўзлаб қабул қилинган Миллий дастуримиз ҳаётнинг барча қатламларига кириб борди ва бунёдкор халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, мустақил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришда муҳим ўрин тутиб, жамиятимиз тараққиётида ёрқин ифодасини топмоқда.

Тизим тадбирлари

СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШГА

доир қонунчиликнинг мониторинги натижалари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, шунингдек, суд ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этдилар. Давра суҳбатини Адлия вазирининг ўринбосари — Марказ директори Ҳ.М.Исоқов олиб борди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг замирида инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлиги ғояси мужассам ва унда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Бу ўз навбатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг тўла амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этади. Шунга кўра Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан ички ишлар, давлат божхона хизмати органлари ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида Конституциянинг 44-моддаси, **«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги Қонун ва фуқароларнинг мурожаатларига оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилди.

Давра суҳбатида ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, бир томондан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва давлат органларига нисбатан ишончи ортиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса, иккинчи томондан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракат ва қарорлар устидан давлат органларига, шу жумладан, судга шикоят қилиш соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди.

Бинобарин, қонунчиликдаги мавжуд камчиликлар, фуқароларнинг шикоятларини судгача бўлган босқичда, яъни юқори турувчи органлар томонидан кўриб чиқиш амалиётидаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Фаолияти ўрганилган идораларда фуқароларнинг мурожаатлари бўйича статистик маълумотларни юритишдаги хатоликлар ҳамда давлат органлари ва фуқаролардан бевосита келиб тушган мурожаатларнинг кўрилишига бирдек муносабатда бўлмаслик, шунингдек, ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан

қилинган шикоятларни шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига кўриб чиқиш учун юбориш каби қонунбузарликлар мавжудлиги танқид остига олинди.

Давра суҳбатида фуқароларнинг шикоятлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш долзарблиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, ноқонуний хатти-ҳаракат орқали фуқароларга етказилган зарар миқдорини аниқлаш, ёлғон маълумот қайд этилган мурожаатларни текширишга сарфланган харажатларни муаллифдан ундирилиши тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилиш шартлиги хусусида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан қилинаётган шикоятларнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича ҳам фикр алмашишди. Айрим мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга нисбатан юзаки муносабатда бўлишлари, қонунчилик талабларини яхши билмасликлари, баъзан эса қонунни очиқдан-очиқ менсимасликлари шикоятларга сабаб бўлаётганлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, ноқонуний хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан келиб тушаётган шикоятларни умумлаштириш борасидаги таҳлилий ишларнинг самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида шикоятларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш имкониятлари чекланмоқда. Бу борада изчил тарғибот ва тушунтириш ишларининг олиб борилиши асоссиз мурожаатлар сонини камайтириш ва давлат органлари томонидан шикоятларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муайян сарф-харажатларни тежаш имконини бериши қайд этилди.

Тадбирда ўтказилган мониторингнинг долзарблиги ва аҳамияти хусусида сўз юритилиб, мазкур мониторинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш имкониятларини берганлиги таъкидланди.

Судлар ва янги замонавий бинолар

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз салоҳиятининг кун сайин юксалиб бораётганлиги ҳаммамизга аён. Халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорликни биргина Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса бу ўзгаришлар Термиз шаҳри, туманлар ва бошқа кўплаб қишлоқларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан сўнг суд учинчи ҳокимият даражасига кўтарилди, бу Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон республикаси Конституциясида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида демократик йўлдан одил қадамлар билан бориб, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари кун сайин янги-янги босқичларга ўтиб, суд органининг ваколатлари кенгайиб, унинг обрўси ошиб бормоқда.

Судлар биноларининг таъмирланиши, янгидан барпо қилиниши ва уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижаси ўлароқ, муҳтарам Президентимизнинг суд-ҳуқуқ идораларига бўлган ғамхўрлигидир.

Ҳозирги тараққиёт судларнинг моддий-техника ва молиявий таъминланишини, ўзгаришини талаб қилмоқда, шу сабабли Суд департаменти судларга янги бинолар сотиб олиб бериш, уларни таъмирлаш, биноларни янги, замонавий мебеллар ва ташкилий техника билан таъминлаш вазифасини амалга оширмоқда.

Департамент томонидан жиноят ишлари бўйича Узун ва Сариосиё туман судларига икки қаватли замонавий бинолар сотиб олиш учун 56 миллион 700 минг сўм ажратилди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Бойсун, Ангор, Термиз, Қумқўрғон туман судлари бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, ҳозирги кунда фойдаланиш учун топширилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди биносининг том қисми тўлиқ замонавий тусда ёпилиб, капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Яқингача Ангор туманида суд тор бинода фаолият юритиб келаётган эди.

Шунинг учун туман судига янги замонавий бино сотиб олинди ва бино икки ой ичида тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди.

Унга электр, газ, телефон нуқталари олиб келтирилди, замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Хусусан, суд залига махсус мебель тўплами жойлаштирилди.

Байрам акциясида жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Адлия вазири ўринбосари, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти директори З.Худойқулов ўз табрик сўзида, ушбу бинони қурилишида иштирок этган қурувчиларга, вилоят ва тумани ҳокимлигига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг матбуот хизмати

Фаолият таҳлил қилинди, вазифалар белгиланди

Адлия вазирлигида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда нодавлат — нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини янада такомиллаштириш, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат ижтимоий, — иқтисодий, сиёсий тузуми, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамойиллари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги мустаҳкамлаб қўйилди. БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий 6 та халқаро ҳужжатлари ратификация қилинди. **«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»**ги халқаро Пакт, **«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»**ги халқаро Пакт, ушбу пактга Факультатив протокол, **«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»**, **«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»**ги Конвенциялар шулар жумласидандир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа шу каби ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида амалга ошириб келинаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг коммуникацион технологиялари ва ахборот материаллари билан давлат органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазифаларини бажаришда яқиндан ёрдам бериши лозимлиги, фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзаро мустаҳкам боғловчи энг асосий демократик институтларидан бири эканлиги эътироф этилди.

Тадбир сўнгида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар, орттирилган тажрибалар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида фикрлашиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Туғён

Эътибор қилсангиз, болалар жониворларга нисбатан яхшироқ муносабатда эканини кузатасиз. Кўкда парвоз этаётган қушлар, қўл етмас булутларнинг само кенгликларини қучиб эмин-эркин кезиб юриши мурғак қалбда ҳавас уйғотади. Шу тобда унинг юраги ҳам парвоздаги ҳур қушларга ўхшаб кетади. Қушларга бўлган бу ҳавас улар чизган илк суратларда ҳам акс этади.

Ҳурлик тимсоли

Оддий ҳаётий муносабатларда эса бир-бировга «бугун эркин қушдайман» каби мазмунда ўз ҳаёт тарзи ҳақида сўзлаганини эшитиб қоласиз.

Қушлар доимо эркинлик, тинч-осудалик, орзулар, ҳатто буюк мақсадлар тимсоли сифатида таърифланади. Ҳар бир инсон ва бутун халқ интилувчи бахт сўзи билан ёнма-ён айтиб, бахт қуши, дейдилар.

Азалдан бахт ва давлат қуши — афсонавий Ҳумо, ҳақиқат тимсоли, эзгулик ҳимоячиси бўлган Семурғ, меҳру муҳаббат рамзига айланган Қақнус (ёки Самандар) қушлари ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Мутлақ эркин ва озод, чексиз самодай мағрур, илоҳий қудратга эга, оламда тенгсиз бу афсонавий қушлар эл орзу-умидлари, азалий эзгу тилакларини ҳам ифодалаган. Халқ уларни шеъру достонларда, қўшиқларда улуғлаган. Бу аслида ҳур ва озод ҳаётни, эркинликни улуғлаш эканлигини англаш қийин эмас.

Дарахт кўкка бўй чўзади, ою офтоб самога кўтарилгани сайин кўпроқ нур сочади. Инсон толега талпинади, миллату элатлар, юртлар тараққиётга, юксалишга интиладилар. Қуш парвози осмонда — дахлсизликда бўлгани каби инсон толеи ҳурликда, юрт тараққиёти, Ватан ва миллат равнақи, бахту саодати аввало эркинликда намоён бўлади. Ватан мустақиллиги — олий неъмат экани шунда.

Истиқлол шундай буюк равнақимиз сари кенг йўл очди. Мустақил давлатимиз гербида ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани тасвирланишида катта маъно бор. Зеро, юқорида тилга олинганидек, халқимиз Ҳумо қушини бахт ва давлат қуши сифатида тасаввур қилиб келган.

Гўзал пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида тинч-осуда ҳаётимиз ифодаси каби оқ лайлаклар ва турналар тасвири Бош майдонимизни безаб турибди. Ана шундай тинч-осойишта, эркин ҳаёт бағрида нуридийдасига чексиз меҳр билан боқаётган Мустақиллик ва эзгулик монументи мажмуидаги Бахтиёр она сиймоси ҳар бир юртдошимиз дилини чуқур ҳис-туйғуларга тўлдиради. Меҳр ардоғида Онага талпинган масъум гўдак нигоҳида оқ умидли лайлаклар, баландпарвоз турналар тимсолининг мазмун-моҳияти акс этгандай. Бош майдонимиздаги Эзгулик аркаси — юртимиз Бош дарвозасидаги лайлак ва турна тимсолига муҳтарам Юртбошимиз шундай таъриф берган эдилар: «**Турналар — Ўзбекистоннинг рамзи, қанотини қоқиб парвозга тайёр бўлиб турган, юксакка кўтарилаётган мамлакатимиз тимсоли. Лайлаклар эса — тинчлик рамзидир**».

Ҳумо, турна, оқ лайлаклар — бу осуда ва беозор қушларнинг барчасида халқимиз фазилатларига хос эзгулик, улуғлик мужассам, улар тимсолининг танланиши азалий қадриятларимизга нақадар уйғун эканини ҳис қиласиз.

Қушлар кўкка талпиниб учади, орзу-умидлар юксакликда кўринади, эзгу тилаклар ила эл дуога қўл очса, кўкдан ижобат нурлари ёғилажак. Самода қанот қоқаётган қуш еру осмон осудалиги, гулу боғлар ободлиги тилагида ҳалққа дуо қилаётган каби таассурот уйғотади кишида.

Истиқлолимизнинг 16 йиллик бебаҳо тарихи, осойишта юрт заминидаги буюк бунёдкорликлар, олий мақсадларни кўзлаган халқимизнинг мардона қадамлари эзгу тилакларимиз ижобат бўлаётганининг ёркин ифодасидир.

Дилором МАТКАРИМОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Урганч туман саноат касб-ҳунар коллежи, Хива агробизнес коллежи, Гурлан қишлоқ хўжалик коллежи жамоаси Юртдошларимизни истиқлол байрами билан қутлайди!

Ватанни ўрганиш

Эл нетиб топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам...
Алишер Навоий

Она қўшиғи

Ватан тушунчасида ҳикмат кўп. Уни англаш учун ботиний кўз, идрок, поклик талаб этилади. Ҳикматлар эса илоҳий ҳиссиётлар жунбушида дунёга келади. Шунинг учун бўлса керак, бу теран, улуғвор туйғуни ҳеч ким аниқ чизиб бера олмаган. Зеро, у коинот каби адоқсиз ва инжадир.

Бундан анча илгари содир бўлган бир воқеа ҳечам эсимдан чиқмайди. Тақдир ҳукми билан бошқа юртга келин бўлиб тушган бир онахон билан учрашиб қолгандик. Онахон бизни минг йиллик қадрдони, ўз жигаридек қаршилади. Суҳбатлашиб ўтириб у кишининг руҳиятини англагандай бўлдим: унинг кўзларида фироқнинг акси бор эди...

— Бу ерга келганимга жуда кўп йиллар бўлди, — деганди она. Аммо биласизларми, сўнгги йилларим, кунларим гўё асрларга чўзилаяпти. Отам нигоҳлари тўкилган гўшалар, болалигимнинг олов чоғлари, шўхлигу саркашликларини хотирасига жойлаган қишлоғим, торгина, аммо чўғлари бодраб турган чоғроққина сандал, эски айвон, онам қўли теккан ўчоғу дарвоза зулфлари бугун яккаш армонимга айланди. Болам, мен бу остонани, одамларни севишга қанчалар уриндим... Аммо кексаликни алдаб, овутиб бўлмас экан. Назаримда, бу жойнинг эгаси бошқа одамдек, борган сари бегоналашиб кетяпман. Бу тупроқ барибир мени суймайдигандай... Агар шу ерларда қолиб кетсам ёт тупроқда тўлғаниб ётадигандайман. Шунинг учун, вақтим етиб қазо қилсам, маййитимни она тупроғимга қўйишларини болаларимга васият қиламан.

Онахон девордаги дуторни олиб, кўзидан ёшларини тирқиратиб, хотирасига қўрғошиндай қуйилган халқ қўшиқларини куйлай бошлади.

Онанинг қўшиғи — Ватан қўшиғи эди.

У бутун вужудини тилка-пора қилаётган соғинч исканжасидан бирор дам халос бўлиш умидида энг кўҳна куйни чалиб, энг дардчил ҳофиздек куйларди. «Юртимнинг бўйи димоғимга текканидан кўнглим тўлади», дея бутун изтиробини титроқ овозига жойлаб, умри, эътиқоди, матлабини қўшиб куйларди. Биз унинг олдидан кетгимиз келмас, аммо ортиқ қололмасдик ҳам... Ўшандан бери титраётган бармоқлар, нигорон очиб-юмилаётган кўзлар нидоси, юракнинг минг чақирим нуқтасидан отилаётган ҳазин фарёд қулоғим остидан кетмайди. Беихтиёр ўша она ҳам, ўша қўшиқ ҳам, ўша ватан ҳам меники, деб ҳайқиргим келади.

***

«Толе йўғи жонимга балолиғ бўлди», деган эди ўн икки ёшида тақдирига шоҳлик битилган миллатимизнинг буюк фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди», деганди бағридаги денгиздек туғённи босолмай... Ҳолбуки, инсониятни тафаккури, бунёдкорлигу жасорати билан ҳанузгача лол қилаётган империя асосчиси эди у ўшанда. «Ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди», деганди одамнинг асли ҳақида, моҳияти ҳақида ўйлашга ундаб. Нега шундай? Нега мен ўз еримсиз, ўзга ерга юзланиб ҳеч кимга айландим, деган ғусса дарди дунёсини ўкинчга солди. Ўша ақида — идрокининг таянч нуқтасига айланди? Саволлар кетидан саволлар... Ўйланиб қоласан, нега анча ёшни қоралаб қолган отахон биргина чўпни ерга суқиб, дарахтга айланишини, мева тугишини ҳаммадан кўра интиқиб кутади? Балки, эртага ўша дарахтнинг соясида ўтириб чой ичолмас?! Балки эртага унинг бу меҳнатини кимдир қадрламас, уни ўтқазган одамни бир марта бўлса ҳам эсламас...

Эҳтимол — кимдир эслайди, деган умидда экаяпти, деб унга нисбатан адолатсизлик қилармиз. Асосийси, бу эмасдир балки... Бу — иймон эҳтиёжи, маънавий қониқиш ҳиссига бўлган талпиниш, холос. Ватандан олганини бир мисқол бўлсин, қайтаришга бўлган илинж, бу. Агар имкони етса, отахон бутун заминга ниҳол экиб чиқарди. Бу, халқона айтганда, туз ҳақини адо этишнинг энг содда, ўзбекона бир усули. Ишончим комил, отахоннинг ҳеч кими бўлмаса ҳам барибир кўчат ўтқазарди, сўнгги кучини бериб бўлса-да, уни парваришларди. Ота буни ҳеч кимдан ўрганмаган. Бу туйғу ҳеч кимга ўргатилмайди. Уни иймон ўргатади, қалб ўргатади, муҳаббат ўргатади.

***

Широқ яшаган даврда китоблардан ҳали дарак йўқ эди. Тўмарис қўлига шамшир ушлаган пайтда одамзод тарих нималигини яхши англамаганди. Не бўлганда ҳам, улар қачондир тарихга миллатнинг онаси, қаҳрамонликнинг илк тимсоли сифатида олтин ҳарфлар билан ёзиламан, деган ўйда жонини оловга қўйишмаган. Улар фақат она заминнинг муаттар исларини, мунаввар соҳилларини севишган. Бу севгида инсониятнинг покиза қадриятлари жамланганлигини ҳис қилишган, тафтини туйишган. Улар шу заминдан айрилиш ўша севгидан айрилиш эканлигини тийрак тафаккур-ла идрок этишган. Бу — буюк муҳаббат эди. Ана шу муқаддас, раббоний муҳаббат — инсониятнинг илк тарихчиси Геродот томонидан тарихга айлантирилди. Демак, миллатнинг илк тарихи, фалсафаси, менталитетию руҳияти солномаси Ватанни англаш йўлидан бошланган. Унга жонни тикишдан бошланган.

Алимурод ТОЖИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Замонамиз қаҳрамонлари



Кўнгил дарёсидан...

саҳролар ҳам сув ичади...

Буюклик оддийликда, дейишади файласуфлар. Бизнинг бугунги қаҳрамонимиз ҳам оддийлик, камтарлик, инсонийликни юксалтирганлардан бири. Шу билан бир қаторда улкан салоҳиятга эга мутахассис, ғамхўр раҳбар, беназир устоз. Бу таърифларни яна кўп-кўп давом эттириш мумкин.

Шунинг учун ҳам хорижлик ҳамкорлари — йирик компанияларнинг Президентлари олтин ва уранниng тилига обдан тушунадиган бу шахс билан бўладиган музокараларга катта тайёргарлик кўришлари кераклигини тан олишади. Салкам ярим аср аввал Ўзбекистонга ёш мутахассис сифатида келган, ўтган йиллар давомида нафақат соҳанинг кучли мутахассиси, балки катта салоҳият эгаси, талантли ва ташаббускор, ғамхўр ва инсонпарвар раҳбар эканлигини амалда исботлаган, бир неча бор дунё ҳамжамияти томонидан *«Йилнинг энг яхши кишиси»* деб тан олинган бу инсон жаҳондаги олтин ва уран қазиб оладиган йирик саноат гигантларидан бири — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Николай Иванович Кучерскийдир.

Ушбу мақоламиз саховатли заминимиз қаъридан қазиб олинаётган олтинлар, бу бойликларнинг Ўзбекистонимиз салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида эмас, балки олтиндан ҳам бебаҳо инсон қадр-қиммати, яхшилик ҳам олий қадрият ҳақидадир.

Одамлар дарди билан яшайдиган инсонлардан бири Н.Кучерский сувратига чизгилар китобини варақлаб, ҳаётнинг ўзи каби чуқур ўйга толасиз. Унда турфа одамларнинг турфа дардларига гувоҳ бўласиз, бир-бирига ўхшамайдиган меҳрибонлик саҳифаларини ўқийсиз.

Томдилик муаллима бир неча йил аввал Олий Мажлис депутатлигига номзод Кучерский билан бўлган учрашувда сўзга чиқиб, барча оналарни унга овоз беришга чақирганда, бир кун келиб, бошига тушган оғир қайғули кунда ундан ёрдам сўрашини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Олмаотада ўқийдиган қизим бахтсиз ҳодиса туфайли кўзидан жароҳатланди, — дейди у. — Муваффақиятсиз жарроҳлик операциялари оқибатида кўзи кўрмай қолди. Ойлаб даволанишлар ҳам натижа бермагач, шифокор мени чақириб, зудлик билан Москвага олиб бормасак, бутун умр кўрмай қолишини айтди. Бу хабарни эшитиш мен учун даҳшат эди. Навоийга келиб, Н.Кучерскийдан ёрдам сўрадим. Николай Иванович «Шундай вазиятда ёрдам бермаслигим мумкинми, ахир? Бу замин, ундаги бойликлар сизларники-ку», деб дарҳол Москвага, клиника бош врачига қўнғироқ қилди. Москвадаги Фёдоров клиникасида операция муваффақиятли ўтди, ҳеч қийинчиликсиз юртимизга қайтдик. Қизимнинг кўзлари очилди, академияни ҳам тугатди. Бир инсонга бундан ортиқ яхшилик бўлиши мумкинми?

— Николай Иванович фавқулоддда шахс, — деган эди швециялик ҳамкорлардан бири. — Энг муҳими, у нафақат ўзи танийдиган, балки ўзига нотаниш одамлар учун ҳам қайғура оладиган улкан қалб эгаси. У ана шу катта юрак билан улкан корҳонани бошқараяпти. Ҳаётимда шундай инсоннинг борлиги учун бахтиёрман, бу менга тақдирнинг туҳфаси...

Ҳақиқатан ҳам, бу инсон учун яхшиликнинг чеки-чегараси, меҳр-мурувватнинг ўлчови, хайр-саховатнинг баҳоси йўқ. Унинг юрагини олис қишлоқдаги иқтидорли мактаб ўқувчисининг ҳайратлари забт эта олади. Унга чексиз далаларда меҳнат қилаётган деҳқон ташвиши, ғамдан қадди букилган оталар армони, хаста боласига термулган оналар изтироби, хуллас, кўзида ёш, дилида умид билан йўлида учраган инсон зоти борки, барчасининг дунёси билан яшайди, ўзгаларнинг дарди унга бегона эмас.

Нуроталик ёш ўқувчи мусаввир Фурқат Бозоровнинг Қоҳирада ўтказилган «Миср — болалар нигоҳида» кўрик танловида ўзи чизган сурати билан олтин медалга сазовор бўлганлигини эшитиб, унга табрик хати ва шахсий совғасини йўллашга уни ана шу меҳрибонлик чорлагани аниқ. Ёки шу иқтидор эгасини Москвада ўтказилган кўргазмада иштирок этишида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликларига ҳамоҳанг жавоб, албатта.

Ҳар бир миллат, ҳар бир элатнинг, ҳар бир шахснинг эътиқодини ҳурмат қилиш аслида катта бағрикенглик саналади.

Комбинат меҳнаткашларининг мурожаатлари билан ишлаш бюроси бошлиғи Назира Аҳмедова билан суҳбатимиздан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Ўтган йили меҳнат таътилида ҳаж сафарига боришимни билдириб қўйиш учун Бош директор ҳузурига кирдим, — дейди Назира опа. Фикримни эшитгач, бор-йўғи битта сўз айтдилар. У кишининг «Бу катта машаққат-ку», деган ана шу сўзлари замирида эътиқодимга ҳурматини, бу муборак сафарнинг нечоғли муқаддаслигини, бу қароримни қўллаб-қувватлаганлигини ҳис этдим. Энди билсам, бу эътиқоддан ҳам кучлироқ туйғу экан. Динимизга, миллатимизга чуқур ҳурмат ифодаси бор эди, бу сўзларда.

Ҳа, Николай Иванович барчага меҳр кўргиза оладиган, не-не ночор кишилар суяна оладиган, энг муҳими, одамларни энг оғир дамда ҳам ёруғ кунлар келишига ишонтира оладиган бағри кенг инсон.

Юртбошимиз айнан ана шундай саховатли инсонларнинг марҳаматига ишониб, йилимизни «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилдилар. Бугун ярим йиллик ишлар сарҳисоб қилинаётган ушбу фурсатда биргина корхонадаги хайрли ишлар мундарижасини кўриб, бу йил ҳақиқатан ҳам кўпларнинг ҳаётида ўчмас из қолдиришига амин бўласиз.

Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» ва Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик» болалар уйларига совға қилинган «Дамас» автомашиналари, Болатовлар болалар уйига дала ҳовлилари учун тўловларнинг амалга оширилганлиги, «Меҳрибонлик» уйлари ва кам таъминланган оилалар болалари учун оромгоҳларга бир мавсумда 1516 та йўлланмалар ажратилганлиги, умумхалқ ҳашаридан четда қолмай, вилоят «Маҳалла» жамғармасига 59,5 миллион сўм ажратилганлиги, Карманадаги 25-сон махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун 13 миллион сўмлик жиҳозлар совға қилинганлиги, вилоятнинг қишлоқ туманларида яшовчи кам таъминланган 18 та оилага йирик шохли қора мол тарқатилганлиги, корхона тасарруфидаги 3 та коллежда таҳсил олаётган барча ўқувчилар стипендия ва бепул иссиқ овқат билан таъминланаётганлиги, ишлаб чиқаришда касалликларга чалинганларга санаторийларга йўлланмалар берилганлиги, корхона ишчи ва пенсионерлари ҳамда уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаши учун кўрсатилган беминнат ёрдамлар, хуллас, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши учун корхона ҳисобидан бугунгача 12 миллиард сўм сарфланганлиги — Юртбошимиз ушбу йилга ном бераётганда урғу берган ҳар бир жиҳат, ҳар бир муаммонинг ечимини топишга имкон изламаган раҳбарнинг бор куч-ғайратини, қобилиятини, барча саъй-ҳаракатларини аҳоли манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадга йўналтираётганлигини кўрсатиб турибди.

Муқаддас китобимизда «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир», дейилган. Бу ҳақиқатни бутун ҳаёти, ўтган умри давомида ҳис этган, исботлаган бу инсон беминнат яхшилик қилиш яхши фазилат эканлигини ҳам билади. Чунки баъзан қилган яхшилик, кўрсатилган ёрдам ўз мевасини бергунча яна ёрдамга зарурат туғилса, бу одам унга ҳам тайёр. Берган ёрдамини миннат қилиб, энди оёққа турган одамнинг кўнглини ҳеч қачон синдирмайди. Ногирон туғилган болани йиллар давомида такрор-такрор гоҳ Тошкентда, гоҳ Москвада даволаш, уни тўлақонли инсонлар сафига қўшиш учун, ҳатто юришга умиди йўқ болани оғир тушкунликдан қутқариб, олий маълумотли, яхши мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш учун нафақат катта маблағ, қанча машаққатли йиллар, балки катта сабр-тоқат, ишонч ва ирода кераклигини амалда исботлай олган шундай инсон ўксик кўнгилларнинг умиди гарови эмасми?

Бундай беминнат меҳр ҳақида юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Николай Иванович нафақат замонамиз қаҳрамони. У Ватанимизнинг энг юксак мукофотларига сазовор бўлган инсон — «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳиби. Давлатимизнинг қатор орден-медаллари билан тақдирланган. Техника фанлари доктори. Халқаро фан, таълим, индустрия, санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро информациялаштириш академиясининг академиги, Россия кончилик фанлари академиясининг академиги, Россия табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори.

Қаҳрамонимиз кўнглидаги дарёлардан нафақат Қизилқум саҳролари сув ичади, гулларга тўлади, маъданли тоғлар гумбурлаб тилга киради, унинг меҳридан, мурувватидан ҳаёт боғи яшнайди, меҳр-мурувватга ташна диллар, яхшиликка муштоқ одамлар ундан куч-қудрат олади.

Ўзининг 70 йиллик қутлуғ ёшини қаршилаган Н.Кучерскийга Президентимиз Ислом Каримов табрик йўллади. Унда бор билимини саховатли заминимиз бойликларини юртимиз тараққиёти, элимиз фаровонлигини ошириш йўлида сарфлаётган замондошимизга энг яхши тилаклар билдирилган.

Бу улкан ишонч, чинакам инсоний бахт эмасми? Орамизда шундай, дунё таниган, тан олган, жуда буюк ва айни пайтда жуда камтарин инсонлар борлиги, улар билан ёнма-ён яшаётганлигимиз, қай биримиздир уларнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлаётганлигимиз ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг бахтимиз, албатта.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун»
мухбири

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Муқаддас зиёратгоҳ

бу ерга келган одамлар тасаввурида ўтмишнинг оғриқли кунлари жонланади...

Ватанимиз истиқлолга эришган кунданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида тарихий адолатни тиклаш, мустамлакачилик йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, «халқ душмани» сифатида қатағон этилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг йўл-йўриқлари, қимматли маслаҳатлари асосида мутахассислар томонидан қатор изланишлар олиб борилди. Маълум бўлишича, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув ариғи (халқ тилида «Алвасти кўприк» деб ном олган) ҳудудида мустабид тузум ўзининг «халқ душманларини» жазолаган. Ўтган асрнинг 40-йилларига қадар «аксилинқилобий», «аксилшўровий» фаолият кўрсатганликда ноҳақ айбланган ота-боболаримиз шу маскандаги учта қатлгоҳда қатл этилган. 2000 йилда Президентимиз ташаббуси билан қатағон қурбонлари — бегуноҳ ватандошларимиз хотирасига бағишлаб бу ҳудудда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди.



— Ўша машъум қатағон йилларида менинг отам ҳам қулоқ сифатида сургун қилинган. Беш йиллик азоб-уқубатлардан сўнг меҳнатга яроқсиз бўлиб, оиламиз бағрига қайтдилар. Отам ўша кезларда қатағон дея аталмиш қирғин-баротнинг халқимиз бошига солган оғир кулфатлари тўғрисида чуқур қайғу-ҳасрат билан сўзларди. Олис юртларда ҳоки қолган қанча-қанча юртдошларимиз, шунингдек, халқ озодлиги йўлида курашган илғор зиёлиларнинг аянчли қисмати тўғрисида гапира туриб, кўз ёшларини тия олмасди. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «**Шаҳидлар хотираси**» ёдгорлик мажмуини отам кўрганларида нечоғлик қувонган бўларди. Мен нафақат падари бузрукворим, балки жамики ўзбек халқининг кўнглидаги армонини ушалтирган бу ёдгорлик мажмуини доимо зиёрат қилиб туришни инсоний бурчим, деб биламан, – дейди қибрайлик Малик ота Ҳусанов.

Дарҳақиқат, қарийб 16,5 гектар майдонни эгаллаган ёдгорлик мажмуига катта маҳорат билан қурилган очиқ гумбазли сағана ўзгача кўрк ва салобат бағишлаб турибди. Унинг баландлиги 27 метр бўлиб, у олис-олислардан ҳам яққол кўзга ташланади. Юртбошимиз Ислом Каримов: «**Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб ватандошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.**

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас», — дея таъкидлагандилар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида.

Бу ҳудудда бунёд этилган икки кўприк зиёратчиларни «Қатағон қурбонлари» музейи томон элтади. Бу музей давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 1 майдаги **«Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»**ги Фармони асосида ташкил этилган ва 2002 йил 31 августда ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу музей биноси республикамиздаги ноёб иншоотлардан бири сифатида халқимиз ва хорижлик меҳмонлар эътиборини ўзига тортиб келади.

— Музей биноси ўзбек миллий меъморчилиги анъаналари асосида қурилган, — дейди воиз-экскурсовод Дилрабо Алимбердиева. — Зиёратчилар музейдаги турли экспонатлар билан танишар экан, уларнинг юзида ҳам қайғу-изтироб, ҳам шукроналик ифодасини кўриш мумкин. Мустабид тузумнинг мудҳиш фожиалари ҳар қандай кишини чуқур қайғуга солса, истиқлол туфайли тарихий адолатнинг қарор топганига шукроналик келтириш ҳам табиий ҳолдир.

«Қатағон қурбонлари» музейидаги қатағон даври тарихини акс эттирувчи 7 та тематик бўлим мавжуд.

Бундан ташқари, ўша даврни ифодаловчи буюм ва либослар, шунингдек, қатағон қурбонларига тегишли бўлган жиҳозлар ва шахсий буюмлар ҳам музейдан ўрин олган. Қатағон қурбонларининг фарзандлари, набиралари, қариндош-уруғлари томонидан тақдим этилган бу буюмлар зиёратчиларнинг ўша давр тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилади.

— Танишиш бахтига муяссар бўлганим — «Қатағон қурбонлари» музейидан олган таассуротларимни баён қилишга тил ожиз, – дейди Қрим Давлат инженер-педагогика университети ректори Февзи Якубов. — Таъкидлаш жоизки, шўро даврида нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқ таркибидаги барча республикаларда ҳам халқ вакиллари аёвсиз қатағон қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун ёдгорлик мажмуи, «Қатағон қурбонлари» музейи фақатгина Ўзбекистонда ташкил этилган. Бу мамлакат раҳбари Ислом Каримов ва ўзбек халқининг халқ озодлиги йўлида жон фидо қилган сиймолар ва ноҳақ қатл қилинган аждодларга нисбатан чексиз эҳтироми намунасидир...

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур музейда ҳар бир зиёратчига, айниқса, ёшларга халқимиз тарихининг мусибатли даври тўғрисида аниқ ва муфассал маълумотлар берилади. 11 ойнаванд витрина, ҳужжатли фильмлар намойиш этиш учун монитор, тергов ўтказилган хона ва қамоқхона макетлари зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотади. Витрина ва макетларда намойиш этилган муляж, харита, фотосурат ва китоблар ўша давр фожиалари ҳақида ҳикоя қилади.



Томоша зали марказидаги «Изтироб» ҳайкалида машъум қатағон фожиасидан азият чеккан ўзбек оиласи акс эттирилган. Қаҳрамонлар юзидаги изтироб, ўкинч шунчалик юксак маҳорат билан ифодаланганки, беихтиёр ҳайкалтарошнинг маҳоратига тан берасиз.

— Асар муаллифи Райҳона Шоабдурасулованинг отаси ўтган асрнинг 30-йилларида «халқ душмани» сифатида қатл қилинган, ўша мудҳиш фожиаларга ҳайкалтарошнинг ўзи гувоҳ бўлган, қанча изтироб чеккан, — дейди Д.Алимбердиева.

Музейга фаолият кўрсата бошлагандан буён 1 миллионга яқин зиёратчилар ташриф буюрди. Уларнинг аксарияти мустамлакачилик, қатағон, «халқ душмани», «миллатчи», «аксилинқилобчи» деган сўзларни ҳали эшитмаган мустақил авлод вакилларидир. Фарзандларимиз музейни зиёрат этиш асносида ота-боболарининг қандай кишилар бўлганлиги, улар миллий озодлик ва тараққиётга эришиш учун қандай кураш олиб борганлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, мурғак қалбларида ифтихор ҳиссини туядилар.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Имконият

Эл хизматидамиз

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожига банк тизими муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда банк хизмати айрим одамларни моддий ва маънавий инқироздан сақлаб қолаяпти, иккинчи томондан давлатни микрокредитация сиёсатини қўллаб-қувватлаяпти, учинчидан эса ўзи ҳам бундан манфаат кўраяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида 206 миллион сўм кредит ажратилди.

Ҳозирги кунда АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» филиал ва унинг таркибига кирувчи битта ҳудудий филиал, битта мини банкда турли мулк шаклидаги 1457 та юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келаётир. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида электрон тўлов тизими кенгайтирилиб, мукаммалаштирилди.

Айни пайтда жами активларимиз 17,9 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилга нисбатан 31,8 фоизга ўсди, демакдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантиришда ҳам минтақавий филиалимизнинг молиявий ёрдами катта бўлмоқда. Биргина мисол. Филиалимиз томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектлари сони шу йил давомида 97 тага кўпайди. Барча молиявий манбалардан 13 миллиард 708,4 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига янги-янги иш ўринлари ташкил этилаяпти. Маҳсулот етиштириш ҳажми ўсаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги **«Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ижросини таъминлашга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Ана шу мақсадда бугунги кунда 70 та кооператив мижозга 33 минг 274 дона пластик карточкалар жорий этилган ва уларга 2 миллиард 410 миллион сўм маблағ кирим қилинган. Имкон борича аҳолига қулайлик яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Вилоятдаги катта ташкилотлар қошида пластик карточкага савдо қиладиган супермаркетлар барпо этдик. «Шўртан», «Муборакнефтгаз» унитар шуъба корхоналари қошида қурилган супермаркетларда пластик карточкалар орқали озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари кредитли виза карточкалари орқали истаган киши иш ҳақини олти ойлиги ёки бир йиллигини олдиндан олишим мумкин. Бугунги кунга келиб вилоятнинг турли жойларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида филиалимизнинг 86 тадан зиёд терминаллари ўрнатилган. Улар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошмоқда. Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш мақсадида шу йилнинг 25 июлидан 25 августигача «Ўзсаноатқурилишбанк» VISA пластик карточкалари билан орзуингга ет!» деб номланган промо — акция ўтказилди. Ғолибларга совринлар ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Банк тизими — иқтисодиётнинг қон томири. Пул банк орқали тўлиқ ва барқарор айланса, мамлакатимиз иқтисодий қудрати, салоҳияти шунча юқори бўлади.

Шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли қўлидаги бўш маблағларни банк омонатлари ва жамғармаларига жалб қилишнинг фуқаролар учун ҳар томонлама фойдали усулларини жорий этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирги кунда омонатлар тури 12 тага етди. Айниқса, «Шодиёна», «Танлов» омонат турлари фоизи юқорилиги билан омонатчиларга маъқул бўлаяпти.

Банк мижоз олдидаги мажбуриятларини тўла ва ўз вақтида бажарсагина аҳолининг банкка бўлган ишончи янада ортади. Мижоз қанча кўп бўлса, банк ҳам иқтисодий жиҳатдан шунча бақувват бўлади. Бундан икки йил олдин мижозларимиз сони 911 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда улар сони бир ярим мингдан ошди. Биз бунга энг аввало мижозларга қулайлик яратиш ҳисобига эришаяпмиз. Мисол учун банкимизда «банк-мижоз» дастури жорий қилинган. Яъни мижоз банкка келмасдан иш жойида туриб, компьютерлар ёрдамида операция бажариши мумкин. Шу йилнинг ўтган ойларида 15 та мижоз худди шундай имкониятга эга бўлди.

Кредит қўйилмалари қолдиғи йилдан-йил ўсиб бормоқда. 2005 йилнинг бошларида 4088,8 миллион сўм бўлган бўлса, бу йилга келиб бу кўрсаткич 9335,5 миллион сўмни ташкил этди. Банк тизими мижозларни қўллаб-қувватлаш орқалигина молиявий барқарорликка эришиши мумкин. Мисол учун «Қашқадарёмахсусмонтаж-93» бошқармаси филиалимиз томонидан молиявий қўллаб-қувватланганлиги натижасида, банк ҳам, ташкилот ҳам бундан катта фойда кўрди. Шунингдек, минтақавий филиал томонидан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кичик корхоналарнинг улушини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан «UZWEROS» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига асбоб-ускуналар ва хомашё сотиб олиш учун 207 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу кредит ажратилиши натижасида сифатли полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 45 та янги иш ўрни яратилди. «Қаршипластсаноат» масъулияти чекланган жамиятига ҳам полиэтилен маҳсулотини қайта ишлаб, ҳар хил турдаги пластмасса маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида асбоб-ускуна ва хомашё сотиб олиш учун 105 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига сифатли ҳамда ишончли хизмат кўрсатиш, бизнинг жамоамиз учун таомилга айланган. Бу анъана бундан кейин ҳам давом этаверади.

Тўлқин КАРИМОВ,
АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё вилоят филиали бошлиғи

Таҳлил ва сабоқ

Қулай имтиёз ва кафолат

Хорижий инвестиция қаерда кўпроқ жалб этилади? Чет эл компаниялари туб ислоҳотлар амалга оширилаётган, ҳаётга татбиқ этилаётган, сармоя киритилгач, қулай имтиёз, зарур кафолат ва истиқболга юз тутаётган бозорга қадам қўйишади.

Хорижий шерикларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни ва унинг самарадорлигини шубҳасиз, тан олишаяпти. Бу эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 майдаги «**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги 74-сонли қарорига кўра, хорижий инвестицияларга бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган барча умумий солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида (шу жумладан, инвестиция шартномаларида, маҳсулот тақдимотига оид битимларда) назарда тутилган тартибга ва шартларга қатъий риоя қилинган ҳолда берилган имтиёзлар ва преференциялардан тўлиқ ҳажмда фойдаланадилар.

Мазкур қарор хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиши, улар маҳсулотларининг экспорт-импорт жараёнларига ижобий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда вилоятда 61 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Қувончлиси шундаки, уларнинг аксарияти маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Франциялик ишбилармонлар билан биргаликда тузилган «BUHARA SEED COMPANI» — «Бухоро уруғчилик компанияси» қўшма корхонаси пахтани қайта ишлашга ихтисослашган.

Энг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона аллақачон жаҳон бозорига чиқишга улгурди.

Солиқ идоралари томонидан корхонага қўлланган 149.497.923 сўмлик молиявий жарима нохолис бўлганлиги учун адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Бир неча босқичларда кўриб чиқилгач, даъво қаноатлантирилди.

«Бухоро гилам» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхона мақомини олиб, Буюк Британиянинг «TRAVEX TRADE LTD» фирмаси билан ҳамкорликда 500.000 минг АҚШ доллари миқдоридаги низом жамғармаси асосида давлат рўйхатидан ўтган эди.

2006 йил 28 декабрда корхона таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунга кўра, корхона вилоят адлия бошқармасида қайта рўйхатдан ўтказилди. Орадан бир ярим йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, корхонанинг низом жамғармаси яна 600.000 минг АҚШ доллари миқдорида оширилди.

Айни пайтда қўшма корхонада 300 дан зиёд киши иш билан банд. Хориж ускуналарида замонавий технологиялар асосида тўқилаётган ранго-ранг гиламларга буюртмалар кун сайин ортиб бораётир. Энг муҳими, экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

Ўзбекистон-Қозоғистон «GALA — RIVER» қўшма корхонаси бултур 498.750 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хорижга экспорт қилди. Қўшма корхона бу йил кўрсаткични 636.000 минг АҚШ долларига етказмоқчи.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган узум шиннисига талаб катта. Бу йил 12.000 тонна узум қайта ишлаб чиқарилади. «Саховат узум меваси», «Соҳибкор олмазори», «Жўрақул Орипов Жилвоний» сингари учта агрофирмага таъсисчилик қилаётган «GALA — RIVER» 2007 йилда 1.000.000 АҚШ доллари миқдоридаги узум шарбатини экспорт қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. «Мона Лиза» виноси ва коньяк спирти корхона ёрлиқлари билан экспорт қилинадиган кунлар тобора яқинлашмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан хорижий инвесторлар фаолиятида юзага келаётган муаммолар мунтазам ўрганиб чиқилмоқда, пухта таҳлил этилмоқда. Шуни тан олиш керакки, янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **четдан имтиёзли сармоялар олиб келиш — бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демакдир**.

Зафар ТАИРОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

16 yil

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси,
Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоят бирлашмалари
мамлакатимиз аҳлини озодлик ва ҳурлик айёми — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан самимий қутлайди.

Азиз юртдошлар!
Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатингизда ғайрат-шижоат ва омад ҳамроҳ бўлсин!

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси



мамлакатимиз аҳлини энг азиз, энг улуғ айём -

Истиқлол байрами

билан табриклаб, барча-барчанинг хонадонида тинчлик, тотувлик, тўкинлик бўлишини тилаб қолади.



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Тадбиркорга қонун мададкор

Ҳозирги пайтда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини ижро этиш мақсадида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар пойтахтимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан жами 148 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 104 таси қаноатлантирилган бўлиб, шундан 50 таси тўла асосли деб топилди. 54 та ариза бўйича эса ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 7 таси ўрганиш учун тегишли ташкилот ва органларга юборилди.

Шунингдек, бошқарманинг ишонч телефонларига жами 57 марта мурожаат қилингани қайд этилди. Мурожаатлар бўйича ўн беш нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди, қирқ тўрт нафарига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, таркибий ўзгаришлар, хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарма иш режасига мувофиқ, Бектемир, Сирғали, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туман давлат солиқ инспекцияларида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганиб чиқилиб, жами 731 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Яъни, солиқ идоралари ходимлари томонидан 30 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларидан солиқ тўловлари бўйича ҳисобот қабул қилишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олинган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича МЖтКнинг моддаларини қўллаш ёки малакалашда, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда, молиявий жарима қўллашда ҳам ҳуқуқий меъёрларга амал қилинмаган ҳолатлар учрайди. 54 та ҳолатда текширувлар тартибини бузиш, 110 та ҳолатда холисларни жалб қилмаслик ва 14 ҳолатда қабул қилинган қарор нусхасини топширмаслик каби қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Бошқарма томонидан Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари ҳамда 2005 йил август ойидаги Бош прокуратура, Олий хўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур ижроси ўрганилганда, жами 14 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Дарҳақиқат, бугунги ислоҳотлар жараёнида тижорат банкларининг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилидир. Шу нуқтаи назардан Бектемир, Сирғали, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманлари ҳудудидаги 33 та тижорат банки фаолияти ўрганилди. Ўрганиш жараёнида жами 1581 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан 32 та тақдимнома киритилиб, тижорат банкларининг 51 нафар масъул ходимига «хайфсан» эълон қилинди, 5 нафарининг ойлик иш ҳақидан жарима ундирилди. 4 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Хуллас, бугун мамлакатимизда тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилган. Айни пайтда тадбиркор ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билмоғи, қонуний асосларда ўз манфаатларини ҳимоя этмоғи жоиз.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

Тарғиботлар самараси

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 16 йиллиги тантаналарига саноқли кунлар қолди. Бу қутлуғ кунга ҳамманинг муносиб улуши, муносиб тўёнаси бўлиши шубҳасиз.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари томонидан ҳам ушбу йилда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг оммага етказиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, миллий қонунчилик соҳасидаги ўзгаришларни ўз вақтида аҳоли ва жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинишини таъминлаш, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш каби масалаларга шаҳар адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги идоралар жиддий эътибор қаратдилар. Айниқса, ҳуқуқий тарғибот ва қонунларнинг ташвиқотини амалга оширишда аҳоли ўртасида етарли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, бугунга қадар 1500 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Кенг миқёсда олиб борилаётган тарғибот ишлари шаҳримиздаги барча таълим муассасалари, туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона, ташкилот ҳамда маҳаллаларда ташкил этилди. Ҳозирда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси нафақат шаҳар, балки республикамиз миқёсидаги мавжуд матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳам бевосита ҳамкорликни йўлга қўйган. Адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизими ходимларининг газеталарда ҳуқуқий мавзудаги мақолалари, телевидение ва радио орқали ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлари аҳоли эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Пойтахтдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари билан ҳам ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 2007 йил 29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган **«Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ва **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонунларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш тартиби юзасидан Тошкент шаҳрининг барча туманларида аҳоли билан учрашувлар ўтказилди.

Қолаверса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлидаги ҳаракатлар яъни, оила, маҳалла аҳли орасида давра суҳбатлари, учрашувлар ижобий натижа бермоқда. Яна айтиш керакки, Ватанимиз таянчи бўлган ёшлар тарбиясига боғлиқ масалалар — болалар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида таълим муассасаларида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Аброр БЕРДИЕВ,
адлия бошқармаси масъул ходими



Оилага эътибор
жамият тараққиётини белгилайди

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ФҲДЁ тизими олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Шу асосда бошқарма ҳам ўзининг бу борадаги янги режалари, дастурларини ишлаб чиқди. Мазкур тадбирларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад эса жамиятда оила барқарорлиги, фаровонлигини таъминлаш орқали ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук авлодни вояга етказишдир.

Ана шундай улкан мақсадларни кўзлаган ҳолда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йил мобайнида 403 маротаба ҳуқуқ мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали ходимларимиз томонидан 136 маротаба чиқишлар уюштирилди.

Шу билан бирга «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг «Ҳар бир туманда аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидан 5 та оилага тўйларини ўтказиш ҳамда маиший шароитларини яхшилашга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб бориш тўғрисида»ги 73-банди ижросини таъминлаш мақсадида кўпгина ишлар бажарилмоқда.



Шунингдек, «Шодлик» никоҳ уйи томонидан Юнусобод туманида жойлашган 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлик совғалари тарқатилди. Қолаверса, ёши улуғларга эҳтиром ва ҳурмат сифатида «Оила» маросимлар маркази томонидан 60 нафар фахрийларга дастурхон ёзилиб, уларга эсдалик совғалари тарқатилди. Адлия бошқармаси ҳомийлигида эса 25 нафар фахрийларга моддий кўмак кўрсатилиб, касаба уюшмаси ташаббуси билан қимматбаҳо совғалар улашилди.

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолининг илк йилларидаёқ бозор иқтисодиётга ўтишнинг босқичма-босқич тарзда амалга ошириш йўлини танлади. Шу сабаб барча жабҳаларда бошланган ислоҳотлар барқарор тус олди. Мамлакатда кўп партиявийлик тизимини шакллантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шундан келиб чиқиб «Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда жамиятда ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида ҳам бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир қилаётган ишимиз, кўзлаган мақсадларимиз, пок ниятларимиз энг аввало Ватан тинчлиги, ободлиги, озодлиги ва фаровонлиги йўлидадир. Жамоамиз ҳам шу мақсадда истиқлол жилосидан руҳланиб, эзгу амалларни амалга оширмоқда. Ўйлаймизки, мустақил ва озод юртнинг тўй-ю, тантанаси ҳар биримизнинг шодлигимизга шодлик улашаверади.

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи



Маълумки, ўтаётган ҳар бир йилга рамзий маънода ном бериш, шу орқали ижтимоий масалалар ечимига йўл топиш яхши анъанага айланиб қолган. Ана шу мақсадда 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши аввалги йилларда бошланган хайрли ишларимизни давом эттиришга янада кенгроқ имкон яратди.

Аждодлардан мерос фазилат

Дарҳақиқат, давлатимиз сиёсатининг асосий бешта тамойилларидан бири — бу аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Шу боис «ислоҳотлар инсон учун», деган шиор истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётимизга татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида энг аввало аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, талабалар ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаяпти. Шунга асосан мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тасдиқланди ва бу борада алоҳида Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, **«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»**ги, **«Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»**ги, **«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги, **«Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги, **«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалликдан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида»**ги бир қатор қабул қилинган ва қабул қилишга тайёрланаётган қонунлар бу борадаги фикрларимизга далилдир.

Айниқса, ушбу йилнинг 18 май куни «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида зарур ёрдам кўрсатишни, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашни назарда тутувчи **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилиниши айнан халқимиз дилидаги эзгу ниятларнинг ифодасидир. Ушбу беминнат кўмак боис юртимиздаги кам таъминланган оила фарзандлари, ёш оилалар давлатимиз томонидан моддий ва маънавий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Қолаверса, халқимиз жуда ориятли, саховатли, ҳимматли ва болажон ҳамдир. Ўзидан ожизни кўрганда ёрдам қўлини чўзган, ночорга кўмак кўрсата олган, дардмандга даво излаган. Бундай фазилатларимиз бизга аждодларимиздан мерос. Биз авлодлар эса ҳамиша ана шу эзгуликларга содиқлик туйғуси билан фаолият юритамиз. Бунинг мисоли сифатида айтадиган бўлсак, жорий йилда кўплаб хайрия тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, Юнусобод туман ҳокимияти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Дилбандим» хайрия тадбирида туманимизда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, ногирон ва кўнгли ўксик етим болаларга Фофур Ғулом номли истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилиб, кўнгилочар ўйинлар томошаси билан бир қаторда эсдалик совғалар ҳам берилди. Энг муҳими, фарзандларимизнинг ўзларини бахтиёр сезишлари, ортида суянадиган Ватани, саховатли юртдошлари борлигини фаҳмлашлари учун барча шароитлар муҳайё этилди. Бу каби эзгуликка ҳамоҳанг тадбирлар ёши улуғ фахрийларимизга ҳам ташкиллаштирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Давлат дастурининг барча йўналишлари ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган. Бу эса халқимизга хос бағрикенглик туйғусини ифодалайди. Эзгу мақсаднинг ижроси ўз навбатида эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Озода СОТВОЛДИЕВА,
Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Иқтисодиётимиз равнақи

тадбиркорлик субъектлари билан чамбарчас боғлиқ

Маълумки, 2007 йил қабул қилинган Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тегишли органларнинг ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ушбу қарор мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ очиб беришга кўмаклашмоқда.

Жумладан, ушбу ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия идоралари ва туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари» томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши таъминланди. Бунга кўра, тадбиркор ариза ва хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, икки иш куни муддатида давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси ва амалдаги қонунларнинг жойлардаги тарғиботини амалга ошириш борасида ҳам режа асосида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қабул қилинган Қонун, қарор ва Фармонлар юзасидан шаҳримизнинг барча туманларида мунтазам равишда семинар машғулотлар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Бошқармамиз ходимлари тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни бажарар экан, бу билан юртимиз иқтисодиёти ривожида, уларнинг улуши ортишида, сафлари янада кенгайишига муҳим ҳисса қўшишади. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Илёсиддин ҲАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

TURON BANK

АТ “Туронбанк”

16 YIL

2007 йилнинг 10 августидан 30 августга қадар «Барҳаёт» номли омонат турини таклиф этади.
Омонатга энг кам миқдори 100000 сўм маблағни икки ой муддат 26% йиллик даромад билан қўйишингиз мумкин.
Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

АТ “Туронбанк” «Western Union» «Coinstar», «Contact» ва «Быстрая почта» пул ўтказмаларини таклиф этади.
Туронбанк пул ўтказмалари Сизга ўз маблағингизни энг қисқа вақт ичида дунёнинг хоҳлаган бурчагига жўнатиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси
«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси»
«Қарши ёғ экстракция»
қўшма корхона шаклидаги ОАЖ
мамлакатимиз аҳлини
Истиқлолнинг 16 йиллик
қутлуғ тўйи билан чин дилдан табриклайди.

Мусаффо осмонимиз узра балққан озодлик қуёши абадий сўнмасин!
Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлсин!

Тошкент пахта саноат
ҳудудий акциядорлик
бирлашмаси
Ўзбекистон халқини
қутлуғ айём–
Истиқлолимизнинг
16 йиллик
шодиёнаси билан қутлайди!
Юртдошларимизга
тинчлик– омонлик
бахт–саодат тилайди.

"Хоразм шакар" очиқ турдаги акциядорлик
жамияти қўшма корхонаси жамоаси
Мамлакатимиз халқини энг улуғ,
энг азиз байрам – Мустақилликнинг
16 йиллиги билан чин дилдан
муборакбод этади!
Мустақиллигимиз абадий,
Ўзбекистоннинг жаҳон
миқёсидаги обрў-эътибори ва
нуфузи устувор бўлсин!
Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол,
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, ВАТАН!

"Кўгон ёғ-мой комбинати
очиқ ҳиссадорлик жамияти
Азиз ва мухтарам
юртдошлар!
Мустақиллик байрамингиз
муборак бўлсин!
Мўл-кўлчилик,
тўкин дастурхон,
маънавий камолот
ҳаётимиз ва
жамиятимизнинг
доимий кўрки бўлсин!
16 уй

16 yil АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»
Барча юртдошларимизни
энг улуғ ва энг азиз байрамимиз –
мамлакатимиз Мустақиллигининг
16 йиллиги байрами билан
самимий муборакбод этади!
Истиқлол бизнинг ҳуқуқларимизни равшан,
дилларимизни мунаввар этаверсин.
Ушбу қувончли кунларда Юртга тинчлик,
Сиз азизларга хотиржамлик
ва саломатлик,
оилавий бахт ва муваффақиятлар
тилаймиз!
«Пахта Банк» – Фаровонлигингиз кафолати!

Ёш кадрлар — эртанги кун таянчи

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 761 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 304524 нафар ёш авлодга самарали таълим-тарбия берилмоқда.

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган кенг кўламли ишларга киришилгани бежиз эмас. **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт»,** деган пурҳикмат сўзлар ҳар бир мутасаддининг, ота-онанинг қалбидан энг улуғвор шиор сифатида жой олди. Фарзандларимизга мана шу бахтга, билимга етишиш имкониятини яратиш учун ҳукуматимиз ва давлатимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсата бошлади. Натижада таълим тизими бутунлай янгиланди. **«Таълим тўғрисида»**ги Қонун, **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»**да ёшларга муносиб билим бериш, буюк келажагимизни таъминловчи кадрлар тайёрлаш йўллари аниқ белгиланиб, мустаҳкамланди. Эндиликда ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар ўз меваларини бера бошлади.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон дунёдаги энг саводхон мамлакат сифатида тан олинганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб, қорақалпоғистонлик таълим тизими ходимлари ҳам бағоят мамнун бўлишди. Дарҳақиқат, фарзандлар келажаги хусусида бизнинг давлатчалик ғамхўрлик кўрсатувчи мамлакат топилмаса керак. Маълумотларга қараганда, айрим давлатларда бепул умумий таълим бериш мутлақо йўлга қўйилмаган. Бизда эса барча фуқароларнинг бепул билим олиши Конституция билан кафолатлаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва унга бўйсунувчи таълим муассасалари томонидан таълим сифатини янада ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Асосий эътибор таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилаш, уларни замон талабларига мос жиҳозлашга қаратилмоқда. Кўплаб «эски мактаб»лар ўрнида замонавий билим даргоҳларининг қад ростлаши улкан ютуқларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2004-2006 йилларда дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилди. 12 та мактаб янгидан қурилди, 70 та таълим муассасасида капитал реконструкция, 87 тасида капитал таъмирлаш, 52 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мактабларнинг аксарияти мактаб мебеллари, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Айни пайтда 9 та янги мактаб бунёд этилмоқда, 47 мактаб капитал реконструкция қилинмоқда, 39 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, таълим самарасини оширишда замонавий мактаб биноси, ўқув қуроллари билан бирга малакали ўқитувчиларнинг ҳам ўрни бор. Мактабларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш энг долзарб вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини яратиш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»**ги қарори таълим сифатининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, бугун жамият тараққиётида ахборот технологияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда Қорақалпоғистондаги умумтаълим муассасаларида 422 та синф компьютер техникалари билан таъминланган.

Мазкур ўқув йилида 12097 ўқувчи 11-синфни, 38296 ўқувчи 9-синфни тамомлади. Уларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида йил давомида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 9-синфлар ўртасида «Мен орзу қилган касб», «Мен келажагимни қандай тасаввур қиламан?», «Касбим — ифтихорим» мавзуларида иншолар танлови ўтказилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларда коллежлар ва улардаги таълим жараёни, йўналишлар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, ёш авлод дунёқарашини бойитиш, улардаги ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш борасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

2006 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлисида вазирлигимиз фаолиятига юқори баҳо берилганлиги бизни янги ютуқларга, янги режаларни амалга оширишга ундади. Бу биздан доимий фидойилик ва изланувчанликни талаб қилади. Ҳамкасбларимиз ана шу хислатларни ўзларида мунтазам юксалтириб боришга, кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бегдулла СУЛТОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири

Келажак учун сармоя

Эртага «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинганига ўн йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида Президентимизнинг бевосита ҳомийлиги ва раҳбарлигида таълим-тарбия соҳасида жуда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Келинг, буни биргина Хоразм вилояти мисолида олиб кўрайлик. 1998 йилда вилоятда битта академик лицей ва битта касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатарди. Орадан ўн йил ўтиб эса, вилоятимиз ёшларига 4та академик лицей ва 74та касб-ҳунар коллежлари хизмат қилаяпти. Замонавий ўқув масканларида 65 минг нафардан зиёд ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида дастлаб 5 та тайёрлов йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрланган бўлса, ҳозирда 105 та йўналиш бўйича халқ хўжалигига кадрлар тайёрланмоқда.

Таълим муассасаларида катта илмий салоҳият ва таълим-тарбия соҳасида тажрибага эга бўлган мутахассислар жамоаси шаклланган. Соҳада меҳнат қилаётган 4103 нафар педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг 3 нафари фан доктори ҳамда 26 нафари фан номзодлари ҳисобланади. 3671 нафари олий маълумотли педагоглардир.

Бу йилги ўқув йилида 10 та янги қурилиш ва 2 та реконструкция ҳисобига 12 та таълим муассасаси фойдаланишга топширилади.

Вилоят ўқув муассасаларининг 30 дан ортиғи чет эл кредитлари ҳисобига жиҳозланган. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, енгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича зарур ўқув жиҳозлари ва технологиялар келтирилди. Японияннинг «Жайка» компаниясининг тиббий жиҳозлари шу йўналишдаги коллежларга ўрнатилди. Хориж кредити асосида келтирилган жиҳозлар ўқув жараёнларини амалиёт билан боғлашда қўл келмоқда. Ўқувчилар коллеждаёқ ишлаб чиқариш сирларини пухта эгаллашмоқда.

Педагог ва муҳандис кадрларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, чет элларда тажриба алмашишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар йили 650-700 нафар педагоглар республикамиздаги етакчи ўқув муассасаларида малака оширишади. Шу билан бирга, ўтган 10 йил мобайнида Жанубий Корея, Япония, Германия ва Австралия каби ривожланган давлатларда 50 нафардан ортиқ ўқитувчи ва раҳбарлар тажриба алмашиб қайтишди. Улар чет элларда ўрганган тажрибаларини таълим-тарбия соҳасида қўллаб, янги педагогик технологиялар асосида ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатиб келишмоқда.

Таълим муассасаларида ўқув амалиётлари жараёнида назарий таълим билан бир қаторда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 2007 йилнинг биргина 7 ойи давомида 39 миллион 200 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 38 миллион 252 минг сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Ишлаб чиқариш корхоналарида ўталган ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларида 4 миллион 916 минг сўмлик маблағ ишлаб топилди.

2001 йилда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини 263 нафар ўқувчи битирди. Бу рақам 2007 йилга келиб 16 мингдан ошди. 2001-2007 йиллар давомида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун 80 мингдан ортиқ малакали кичик мутахассис кадрлар тайёрланди. Улар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ўзларининг билим ва малакалари билан муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Тизимдаги таълим муассасаларида ёшларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароит ҳозирланган. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида 2 та сузиш ҳавзаси, 73 та спорт

заллари, 53 та спорт майдончалари, 73 та волейбол ва баскетбол майдончалари, 62 та ўқув юртида теннис кордлари, спорт ва бадиий гимнастика заллари фаолият кўрсатаяпти. Мазкур спорт иншоотлари кунига 35 минг нафардан ортиқ ўқувчини қамраб олиш имкониятига эга.

Бу каби тадбирлар етук мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Бундай ғамхўрлигу саъй-ҳаракатлар, ўқув муассасалари учун сарфланаётган маблағлар келажак учун сармоя бўлиб, яқин келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Йўлдош МАДАМИНОВ,
Хоразм вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ОХЖ «Юнусобод деҳқон бозори»
ОХЖ «Эски Жўва деҳқон бозори»
ОХЖ «Кўйлик буюм бозори»
ОХЖ «Кўйлик кишлок хўжалик махсулотлари улгуржи бозори»
ОХЖ «Янгиобод ихтисослаштирилган бозори»

16 yil

Энди йўқдир ҳеч дилларда озоримиз,
Бой-бадавлат, мўлу-кўлдир бозоримиз,
Юртбошимиз ва халқимиз ҳиммати бу —
Бугун байрам, мустақиллик неъмати бу!

Ҳамма-ҳаммани ҳурриятимизнинг 16 йиллиги
билан табриклаймиз.

Акционерлик тижорат
«ГАЛЛАБАНК»

Навоий минтақавий филиали
жамоаси ватандошларимизни



РЕСПУБЛИКАМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
16 ЙИЛЛИГИ
билан самимий
қутлайди.

Барчага тинчлик-омонлик тилаб, навбатдаги янги «МУСТАҚИЛ ДИЁР», «САХОВАТПЕША» ҳамда «ИФТИХОР» қисқа муддатли омонат турларини таклиф этади.
«Галлабанк» имкониятларидан фойдаланиб, бўш пул маблағларингизни юқоридаги омонатларга қўйсангиз, албатта, фойда кўрасиз.

«Галлабанк» муваффақиятингиз калитидир!

ASAKA BANK
Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банки — жамоаси
сизларни кириб келаётган
энг азиз байрамимиз —
Мустақиллик куни
билан табриклайди
ва Сизларга банкнинг янги
«Мустақиллик — 2007»
муддатли омонат
турини таклиф этади.

Омонатнинг энг кам миқдори 100.000 сўм.
Сақлаш муддати — 3 ой
Омонатга йиллик 25% ҳисобланади.
Омонатга маблағлар 2007 йилнинг 5 сентябригача қабул қилинади.
«Асака» банки — маблағларингизнинг сақланиши ва кўпайиши кафолатидир.
Сизнинг барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Маълумот учун телефонлар: 120-86-97, 120-86-87,
120-82-60, 120-81-73

Хизматлар лицензияланган.

Азиз ватандошлар!

Халқимизга озодлик,
ҳурлик келтирган
Истиқлол айёми
муборак бўлсин!
Биз барчангизга тани-сиҳатлик,
оилавий бахт, юрт равнақи, халқ
фаровонлиги йўлидаги кенг қиррали
фаолиятингизда омадлар
тилаймиз.

Наманган вилоят
"Машина-трактор парклари" АЖ

Муҳтарам юртдошлар!
«Учқўрғон ёғ-мой» ОАЖ жамоаси

Сиз азизларни маллакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик шодиёнаси билан қутлашдан бағоят мамнун.

Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингиз унумли, эришаётган муваффақиятларингиз янада салмоқли бўлсин!

Бахраманд бўлинг, сифатли маҳсулотларимиз сизлар учун!

16 yil

Азиз Ватандошларимизни
Мустақиллигимизнинг 16 йиллик
қутлуғ айёми билан
муборакбод этамиз.
Юртимиз осмони ҳамиша
мусаффо бўлсин!

"Тошкент дон маҳсулотлари" ОАЖ

Мамлакатимизда ишлаб
чиқарилаётган
сифатли цементнинг
48,1 фоизини
етказиб бераётган,
ўзининг ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ
нишонлаш арафасида
турган улкан саноат корхонаси —



«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси
юртдошларимизни ва барча
ҳамкорларни
ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
16 ЙИЛЛИГИ
билан самимий табриклайди.

Юртимизга тинчлик, элимизга
омонлик ва фаровонлик тилайди..

16 yil

Наманган вилояти
Косонсой туманидаги
«Чашмаи сафед»
фермер хўжалиги
Сиз азизларни Ватанимиз
мустақиллигининг 16 йиллиги
билан қизғин табриклаб,
хонадонингизга тинчлик,
дастурхонингизга қут-барака тилайди.
Мустақил диёримиз тинч,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!



«Ўзбекистон почтаси»
очик акциядорлик жамияти
Навоий филиали жамоаси
барча юртдошларимизни
Истиқлолимизнинг 16
йиллиги
билан муборакбод этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали
Республикамиз ва дунёнинг барча давлатларига
Сизнинг почта жўнатмаларингизни
тез ва ўз вақтида етказиб беради
ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
210100. Навоий шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 3-а -уй,
Телефон: (8436) 22-3-90-89, Факс: (8436) 22-3-25-21

Эзгулик барқарор юрт

Республикамизда ижтимоий ҳимоя масаласига истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратигани барчамизга маълум.

Ижтимоий ҳимоя фаровон турмуш тарзини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис барча юртдошларимиз қатори фарғоналикларнинг ҳам бу йилги кайфиятлари бутунлай ўзгача.



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда бир мунча сезиларли, ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар доимий эътиборга олинди.

Айни пайтда вилоятимизда 349.548 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар истиқомат қилишади. Уларнинг 241.092 нафари ёшга доир, 85.541 нафари ногиронлик, 22.915 нафари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи, яна 24.977 нафари эса ижтимоий нафақа билан таъминланган фуқаролардир. Шу йилнинг 1 августига қадар улар учун 93 миллиард 460 миллион сўм маблағ молиялаштирилди. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлардан 1882 нафари «Олтиариқ», «Қосонсой», «Товоқсой», «Маржон суви» сиҳатгоҳлари ҳамда корхона ва ташкилотлар профилакторийларида дам олиб, саломатликларини тикладилар. Яна 3893 нафари эса тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. Шунингдек, 228 нафар ногирон аравача, 57 нафари эшитиш мосламаси, 231 нафари ҳасса ва қўлтиқтаёқ билан таъминланди. Уйида ижтимоий хизмат кўрсатиладиган 1046 нафар ёлғиз кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари учун 83 миллион 867 минг сўм бюджет ва ҳомийлик маблағи сарфланди.

Улардан 39 нафарининг уй-жойларида эса 5.971.300 сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 январдаги **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ вилоятимизда 2122 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Масалан, Марғилон шаҳрида яшовчи фуқаролар Розахон Иминова, Муҳаббатхон Сайдаматова, Маҳмуда Аминжонова, Муҳаббат Саидовалар шаҳардаги «Ёдгорлик» фабрикасига касаначилик асосида ишга жойлаштирилди.

Йил бошида жойлардаги махсус комиссиялар томонидан кам таъминланган оилаларга ҳомийлар бириктириш йўли билан қорамол олиб бериш вазифаси белгиланганди. Шу кунга қадар 3142 та оила ҳомийларнинг саховатидан баҳраманд бўлди. Қолаверса, бандликка кўмаклашувчи давлат маблағлари ҳисобидан ана шундай оилаларга қорамол сотиб олиш учун 900 миллион сўм ажратилиши режалаштирилгани ҳолда, 1 миллиард 340 миллион сўм маблағ молиялаштирилди.

Шунингдек, икки ва ўн олти ёшгача фарзанди бўлган 109.777 та оилага 15.154.934.200 сўм нафақалар, кам таъминланган оилаларга эса 798.073.200 сўм моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Умуман олганда, тилга олинган мазкур ишлар ижтимоий ҳимоя борасидаги саъй-ҳаракатларнинг бир қисми, холос. Ҳали бундай хайрли ишлар бардавом бўлиб, минглаб меҳрга ташна қалблар эъзоз топаверади. Зеро, меҳр-оқибат инсонларни бир-бирларига боғлаб турувчи ягона риштадир.

Отабек МАНСУРОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари

Либераллаштириш — истиқлол меваси

Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр — қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб кўрсатилган. Бу эса ўз ўрнида инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг бош мақсади эканлигидан далолат бериб турибди.

Юқоридаги конституциявий қоида, айниқса, сўнгги йилларда суд - ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Яъни **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"** ги Қонунга мувофиқ либераллаштириш ишлари амалга оширилиб, суд-ҳуқуқ тизимида муҳим ислоҳотларни бошлаб берди.

Вилоятимиз бўйича 2007 йилнинг 6 ойида айблов ҳукмлари чиқарилган 2136 шахснинг 540 нафарига ёки 25,5 фоизига озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 фоизга камайди. 1596 нафар ёки 74,8 фоиз судланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилган.

Бундан ташқари, шу даврда прокурорларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибидаги протестлари асосида 5 нафар шахсларнинг жазолари енгиллаштирилди. Шунингдек, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни қоплаганликлари туфайли 37 нафар судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Аёллар, вояга етмаганлар ҳамда 60 ёшдан ошган эркаклар, шунингдек моддий аҳволи оғир ҳолатда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда бу тоифадаги шахслар учун қонунчилигимизда назарда тутилган барча енгилликлар қўлланилмоқда.

Хусусан, вояга етмаган ёшда биринчи маротаба жиноят содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мақсадида, уларга нисбатан тайинланган жазодан Жиноят кодексининг 72-моддаси тартибида шартли равишда озод этиш чоралари қўлланмоқда.

Юқоридаги қонунга мувофиқ либераллаштиришнинг яна бир энг муҳим кўриниши мавжудки, бу Жиноят кодексининг 66-1 моддасида белгиланган ярашув институтидир. Жорий йилда 1132 та жиноят ишлари бўйича 1138 нафар шахслар ярашув институтига биноан жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Умуман олганда, фуқароларимиз учун бундай кенг имкониятларни яратишдан кўзланган асосий мақсад битта — мазкур имкониятларнинг самараси ўлароқ, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда шу орқали қонун устуворлигини таъминлашдир. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган давлатда тараққиёт ҳам шунга яраша бўлади.

Абдуҳалим ҲОЛМАҲМАТОВ,
Фарғона вилоят прокурори



Маълумки, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришни учинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Бу эса бизнинг зиммамизга катта масъулият юклади.

Хорижий сармоя

иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир

Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, **ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса, хусусий компания чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди.**

Шунинг учун мамлакатимизда зарур кафолатлар, жумладан, ҳуқуқий ҳимоя мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқа ҳудудлар қатори Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоялаш борасида бир мунча сезиларли қадамлар ташланди.

Бу йил бизга келиб тушган 35 та ариза, шикоят ва бошқа турдаги мурожаатларнинг аксариятида ҳуқуқий ёрдам ва ҳимоя сўралгани кузатилади. Уларни ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, айрим корхона ёки ташкилотлар мутасаддиларининг масъулиятсизлиги қўшма корхоналарнинг рисоладагидек фаолият юритишида жиддий тўсиқларни юзага келтирган. Айниқса, бу ҳолат шартномавий муносабатларда яққолроқ кўзга ташланади.

Масалан, 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистон туманидаги «Яйпан» Ўзбекистон-Юнон қўшма корхонаси билан вилоятдаги 5 та пахта тозалаш заводлари ўртасида шартномалар имзоланади. Шартномаларга мувофиқ, қўшма корхона заводларга 892.431.747 сўмлик тўлиқсизлантирилган, дориланган сара уруғлик чигит етказиб бериши ва заводлар бунинг учун 30 фоиз тўловни олдиндан, қолган қисмини эса маҳсулот етказиб берилганидан кейинги 7 кун ичида амалга ошириши лозим эди. Бу мажбурият қўшма корхона томонидан белгиланган муддатда, тўлиқ бажарилади. Аммо олдиндан 30 фоиз тўлов у ёқда турсин, маҳсулот ҳақини тўлаш ҳамкорларнинг «ёдидан кўтарилиб» қолди. Ушбу муаммо орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, бартараф этилмади.

Бу, эса корхонанинг ишлаб чиқариш унумдорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмаган. Шу боис ҳақдор вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, юқоридаги маблағни ундириб олишда амалий ёрдам сўради.

Шундан кейин вилоят адлия бошқармаси қўшма корхона билан ўртадаги қарздорликни бартараф этишларини сўраб, заводларга огоҳнома ва тақдимномалар киритди. Бироқ, бундан қарздорларнинг бирортаси ҳам пинагини бузмади. Қарабсизки, тақдимнома ва огоҳномалар ўз-ўзидан жавобсиз қолиб кетди. Бинобарин, адлия бошқармаси тилга олинган жами 892.431.747 сўмни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритди ва суд даъволарни 830.803.258 сўмга қаноатлантирди.

«MS Food Processing Co» Ўзбек-Араб қўшма корхонаси вилоятдаги кўзга кўринган саноат даргоҳларидан саналади. Қўшма корхона ўз мурожаатида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун яратилган сўнгги имтиёз ва қулайликлар ҳақида тушунтириш беришни сўраган. Унинг аризаси қонун ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқилиб, 15 кунлик муддатда қаноатлантирилди.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Агар рақамларга мурожаат қилган ҳолда гапирсак, 2007 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб, судларга жами 40 та 1 миллиард 68 миллион 411 минг 912 сўмлик даъво аризалар, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан эса тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари номига 17 та тақдимномалар киритилди. Тақдимномаларга асосан 4 нафар мансабдор шахсга нисбатан «Ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилиб, улардан 1.280.000 сўм маблағ ундирилган.

Албатта, бу вилоятимизда амалга оширилган ишларнинг бир қисми, холос. Республикамиз бўйича эса хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун яратилган қулайлик кўлами жуда кенг. Бу қулайликлар ва имкониятлар бундан буён янада ривожланиб бораверади.

Искандар АТАҲЎЖАЕВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Нукус аэропорти: юксалиш йўлида

Одатда бирон байрам ёки сана арафасида биз ўтган даврда амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Янги режалар тузамиз. Аслида август ойи биз учун байрамлар ойи ҳисобланади. Ўтган ҳафтада касб байрамимизни нишонладик. Уч кундан кейин эса, энг азиз ва энг улуғ айём — Мустақиллик байрамини кутиб оламиз. Бу байрам биз транспортчилар учун ҳам жуда қадрлидир. Чунки мустақиллик йилларида транспорт, айниқса, ҳаво транспорти соҳасида мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Амалга оширилган ислоҳотлар самараси сифатида учиш хавфсизлиги ишончли равишда таъминланмоқда. Аэропортлар, учиш-қўниш йўллари жаҳон талаблари даражасида таъмирланди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш савияси юксалди.

Нукус аэропорти мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида бир миллионга яқин йўловчига намунали хизмат кўрсатилди. 805 тонна юк ўз манзилига хавфсиз етказиб берилди. Албатта, бу каби ўзгаришларни амалга ошириш осон кечмади. Кўп йиллардан буён зарар билан ишлаб келаётган хўжаликни оёққа турғазишда республика ҳукуматининг доимий қўллаб-қувватлаши муваффақиятлар гарови бўлди. Қолаверса, бевосита «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўмагида кўплаб бунёдкорликлар амалга оширилди.

Аэропорт — юрт кўзгуси. Юртимизга ташриф буюрган меҳмон илк таассуротларини шу жойда олади. Бу ерда кўрсатилаётган хизмат, меҳмонни очиқ чеҳра ва сифатли сервис хизмати билан кутиб олиш, айниқса, маъсулиятлидир. Бунинг учун эса, энг аввало, замонавий типдаги аэровокзал ва сифатли техника — технология керак бўлди. Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олиб, 2003 йилда аэровокзалнинг соатига 200 йўловчини қабул қилишга мўлжалланган биринчи қисми ишга туширилган бўлса, 2005 йилда бутун аэровокзал комплекси замонавий кўринишга келтирилди. Ҳозирда халқаро ва маҳаллий йўналишлардаги йўловчиларга тўртта замонавий терминал хизмат кўрсатмоқда. Барча ускуналар сўнгги русумдагилари билан алмаштирилди. Шунингдек, расмий делегацияларни кутиб олишга мўлжалланган зал қайта таъмирланиб, жиҳоз ва мебеллар тўлиқ янгиланди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида авиабилетлар сотиш бўйича шаҳар агентлигида 2002 йилда «Сирена 2-3» ва «Габриэль» системаси ўрнатилди. Бу система дунёнинг исталган шаҳрига билет сотиш имконини беради. Ўтган йили бундай қулайлик аэровокзалнинг ўзида ҳам яратилди. Янги системанинг ўрнатилиши кундалик тушумнинг сезиларли даражада ортишига хизмат қилмоқда.

2003 йилда учиш-қўниш йўлаги махсус қоплама билан таъмирланди. Эндиликда Боинг-767, А-300 ва RJ-85 каби замонавий ҳаво кемаларини қабул қилиш имконияти яратилди.

Ўтган йили «Газпромавиа» компанияси билан Самара-Нукус-Самара йўналиши бўйича тўғридан-тўғри рейс очилди. Бу йил эса, Внуково ва Нукус аэропортларини боғловчи янги рейснинг йўлга қўйилиши асосий фаолиятдан олинадиган даромаднинг ортишига имкон яратди.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири учиш хавфсизлигини таъминлашдир. Бу энг аввало, кадрларнинг малакаси технологик ва ижро интизомига боғлиқ. Шуларни ҳисобга олиб, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бугунги кунда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Германиянинг «Люсибит» компанияси учиш-қўниш йўлакларидаги чироқларни биринчи категория талаблари даражасига мослаштириш мақсадида қайта қуриш ишларини амалга оширмоқда. Бу ишга авиакомпания тарафидан 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга бўламиз.

Шунингдек, аэропортнинг барча бўлимларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашни Европа андозалари даражасига кўтариш бўйича 641 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистонлик авиаторлар қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан тозалаш ишида деҳқонларга яқин кўмакчи бўлишмоқда. Биргина ўтган май-июнь ойларида 20 минг гектар майдонда «АН-2» самолётлари ёрдамида ҳаводан сифатли дорилаш ишлари амалга оширилди.

Бу каби тадбирлар аэропорт иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида 1,5 миллиард даромад олинган бўлса, соф фойда 100 миллиондан ошиб кетди. Бу эса ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш имконини бермоқда. Хўжаликда ўртача ойлик 160 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 53 фоизга ошганини кўрсатади. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тизимда 25 йилдан зиёд самарали меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган 89 нафар пенсионерга қўшимча нафақа берилаяпти. Бу мақсадда 5,9 миллион сўм сарфланди. Аэропорт ходимларининг 40 нафар фарзандлари Тошкент шаҳридаги оромгоҳларда дам олиб қайтди. Барча харажатлар маъмурият томонидан қопланди.

Албатта, режаларимиз жуда кўп. Биз ягона жамоа бўлиб олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилаверамиз. Юртимиз обод, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Кенжабой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Нукус аэропорти директори

Истиқлолдан бахт топдик

— дейди Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев

Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев нафақат вилоятда, балки республикамиз фермерлари орасида ҳам «отахон» фермерлардан биридир. Негаки у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ўн олти йилдирки, юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Бошқача айтганда, уни истиқлолга тенгдош фермер дейишимиз мумкин.

– Мен хўжалик фермасида оддий чорвадор бўлиб ишлардим. Бундан 16 йил аввал 31 август куни одатдагидек ишга отланаётгандим, радиода карнай-сурнай овозлари янгради. Кейин эса бошловчи Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганлигини маълум қилди, — дея ўша унутилмас кунни эсга олади Авазбек, — буни эшитиб қувончим ичимга сиғмай, йўлга чиқдим. Фермага бориб, хушхабарни ҳаммага суюнчиладим.

Икки ойдан кейин – 1991 йилнинг 22 ноябрида Президентимизнинг ички бозорни озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш ва уни халқимизга сотиш мақсадида республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш, уларни мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармони қабул қилинди. Бу эса менинг ғайратимни ўн чандон ошириб, фермер бўлишга ундади.

Дарҳақиқат, шундан сўнг А.Тешабоев ҳеч иккиланмай, туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, ўз мақсадини билдирди. Албатта, бу янги ва хайрли ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Тез орада чорвачиликка ихтисослашган «Роҳатой» фермер хўжалиги ташкил этилиб, унга ем-хашак ҳамда чорва озуқаси етиштириш учун 5 гектар ер ажратиб берилди.

Янги фермер банкдан имтиёзли кредит олиб, 10 бош қорамол сотиб олди. Шу билан бирга ажратилган майдонга маккажўхори уруғи қадалди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Сигирларнинг ҳар бири 7-8 литрдан сут бера бошлади. Маккажўхоридан 80 центнердан ҳосил олиниб, қишловга етарли озуқа жамғарилди.

Айни пайтда фермернинг қўрасида 30 бош қорамол, 4 та от, 105 бош қўй-эчки боқиляпти. Ўтган йили 4,4 тоннадан ортиқ сут ва 3012 килограмм гўшт етиштирилди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич янада юқори бўлди. Деҳқончиликдаги самара ҳам чакки эмас. 2006 йилда хўжалик 15 қути ипак қуртини парваришлаб 337,8 килограмм саноат хомашёси тайёрлашга эришди. Шунингдек, 23 гектар ерга буғдой, 30 гектар майдонга пахта экиб, буғдойдан режадаги 29,6 центнер ўрнига 60 центнердан, пахтадан эса 28 центнер ўрнига 31 центнердан хирмон кўтарди. Буғдойнинг 88,6 тоннаси давлатга сотилгани ҳолда фермернинг омборига 49 тонна дон тўкилди. Умумий ҳисобда хўжалик йили 42.913.501 сўмлик даромад билан якунланди.

Авазбек Тешабоев бу йилги деҳқончилигидан ҳам мамнун:

— Тўйга тўёна деганларидек, пилла ва ғалла етиштириш бўйича ажойиб муваффақиятларга эришдик. 712 кг пилла, гектаридан 72 центнердан дон ва «Фарғонакартошка» АЖ билан тузилган шартномага кўра 5 гектардан салкам 200 тонна картошка етиштирдик. Ҳозир яна 6 гектар майдонда кузги картошка парваришлаяпмиз. Насиб қилса, 31 гектар ердаги пахтадан 84 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллаганмиз.

Жорий йилнинг баҳорида у яхши ният билан парранда ва балиқчиликка ҳам қўл урди. Туман ҳокимининг тегишли қарори билан ҳар иккала йўналишни ривожлантириш учун 7,5 гектар ер ажратиб берилди. Ўшанда «Наманганбалиқ» ХК дан келтирилган майда балиқчалар ҳозир тўрга илингудек бўлиб қолди.

Фермер хўжалиги хоҳ чорвачилик, хоҳ деҳқончилик ёки бошқа йўналишда бўлсин, албатта, унинг ишлари техникасиз битмайди. «Роҳатой» фермер хўжалиги ҳам ўтган йиллар давомида олинган даромадлар ҳисобидан «Т – 4», «ТТЗ – 80-10», «ТТЗ – 80-11», «Т – 40», 4 та «Т – 28» тракторлари ва «КАВЗ» русумли автобусни сотиб олди.

Бугун хўжаликда 62 нафар киши иш билан таъминланган. Уларнинг ойлик иш ҳақи 40-46 минг сўмдан иборат бўляпти. Қолаверса, бу йил ҳар бирининг меҳнатига яраша дон ва картошка ҳам тарқатилди. Табиийки, бундай манфаатдорлик муваффақиятлар омили бўляпти.

Биз фермер хўжалиги фаолияти билан танишар эканмиз, доноларимизнинг «Сахий қалбда саховат бор» деган пурҳикмат сўзларига яна бир бор амин бўлдик. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида Қариялар уйи 2.350.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Шунингдек, 50-умумтаълим мактаби ўқувчиларига 700.000 сўмлик дарсликлар туҳфа қилинди. Фермер хўжалиги томонидан ташкиллаштирилган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига атаб ўтказилган байрам шодиёнаси эса «Меҳрибонлик уйи» ҳамда «Дилшод» номли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ёдида узоқ сақланиши табиий. Айниқса, Ҳасанбой Лочинов, Соимжон Исаков, Нафиса Мирзаахмедова, Илҳомжон Назаров сингари тўлов контракт асосида таҳсил олаётган талабалар учун 1.818.000 сўм маблағ ажратилгани уларнинг қувончини оширди.

— Мен айни пайтгача нимаики ишга қўл уриб, қандай ижобий самарага эришган бўлмайин, буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар туфайлидир. Шукрки, биз фермерлар истиқлолдан бахт топдик, — дея алоҳида таъкидлайди фермер.

Ҳа, истиқлолдан нафақат фермерлар, балки бутун халқимиз бахт топди. Авазбекнинг фаолияти бу фикримизнинг кичик бир мисоли, холос.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИМТИЁЗ АСОСИДАГИ ИМКОНИЯТ

Юртимизда бозор муҳитига мослашиб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналар қаторида хориж инвестицияси жалб этилган қўшма корхоналарнинг ҳам фаолият юритаётгани экспорт ҳажмининг ошишига, валюта тушумининг кўпайишига, малакали мутахассислар сони ортишига, ёшларнинг муқим иш билан таъминланишига имконият яратмоқда.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳудудидаги хорижий ва қўшма корхоналарга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида мониторинг ўтказилди. Мониторинг натижалари ўрганилиб, хорижий ва қўшма корхоналарда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра 229 та хорижий ва қўшма корхоналар рўйхатда бўлиб, шундан 29 таси фаолият кўрсатмасдан келгани аниқланган бўлса, 1 июлда 226 та корхоналардан 21 таси фаолият юритмаётгани маълум бўлди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳокимлик ва тегишли бошқармалар билан ҳамкорликда кўрилган чора-тадбирлар туфайли фаолият юритмаётган корхоналар сони 8 тага камайди. Шунингдек, 8 та қўшма корхона давлат реестридан чиқарилди. 10 та корхонани мажбурий тугатиш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди. Устав фондини 150.000 АҚШ долларига етказмаган 14 та корхонага огоҳнома хатлари киритилди. Бундан ташқари, 2007 йил май ойида хўжалик суди қарорига асосан тугатилган 5 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга нисбатан махсус комиссия томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганлиги сабабли, давлат реестридан чиқарилган. Натижада 7 ой мобайнида 22 та корхона давлат реестридан чиқарилди ҳамда 20 та янги корхона давлат рўйхатига олинди.

Адлия бошқармаси томонидан хорижий ва қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизмат кўрсатишдаги экспорт салоҳияти ҳам мониторинг давомида таҳлил қилинди. Натижада экспортга маҳсулот чиқармаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга, экспортга маҳсулот сотиш борасидаги қонунчиликда белгиланган солиқ ва бошқа имтиёзлар тушунтирилиб, 137 та корхонага экспорт билан шуғулланиш ҳақида тавсиявий мазмундаги ёзма кўрсатмалар юборилди.

Таъкидлаш жоизки, хориж инвестицияси иштирок этган корхоналар фаолияти дастлабки кунданоқ адлия идоралари томонидан ҳуқуқий ҳимояланиб келинмоқда. Тошкент вилоят адлия бошқармасининг «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими»га жорий йилнинг биринчи ярмида жами 28 та ариза келиб тушган бўлса, уларнинг барчаси қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилди. Киритилган 29 та тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилиб, корхоналарга 325.000.000 сўм қайтарилди ва 2 нафар мансабдор шахс йўл қўйган қўпол қонунбузилиш ҳаракати учун вазифасидан озод этилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ва маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтиришда қўшма корхоналарнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. 2007 йил биринчи ярмида экспорт ҳажми 7167 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 154,3 фоизга ошди. Бу эса мавжуд тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарга эркин фаолият кўрсатиш учун қулай муҳит, қонуний кафолат ва ҳуқуқий ҳимоя тўлиқ яратилганидан далолат беради.

Бахтиёр АТАМАТОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 15 январда тасдиқланган "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури" бўйича Адлия вазирлигининг тармоқ Дастури ижросини таъминлаш борасида Тошкент вилоят адлия бошқармаси ўзининг иш режасига эга. Унинг мақсади вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билим ва тафаккурини ошириш, уларда қонун устуворлиги тушунчаларини шакллантириш баробарида, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Азамат КАРИМОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Тадбир

ҲУҚУҚ САБОҚЛАРИ

Вилоят адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизим идоралари ходимлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида туман ва шаҳар ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи ва ўқитувчилари билан 112 маротаба ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Масалан, яқинда Қуйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳарчасидаги 11-сонли мактабда бошқарма ходимлари томонидан **"Ижтимоий ҳимоя йили давлат Дастури"** ва **"Болалар ҳуқуқлари"** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шунингдек, 2007 йил 16 мартда Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи талабалари билан **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — бахтимиз қомуси"** мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Конституциямиз ва у асосида қабул қилинаётган Конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилди. Иштирокчиларга ҳуқуқ тизимида давом этаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида етарли маълумотлар берилди.

Мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Адлия вазирлигининг 2007-2008 йилларда амалга оширадиган тармоқ дастури бўйича болаларга кўрсатилаётган таълим, тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар ҳамда болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш каби тарғибот ишлари узлуксиз амалга ошириб келинмоқда.

Ёшлар билан ўтказилаётган ҳар бир тадбир ўзига хос мақсадга эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқий билим ва тафаккурларини янада оширишга, мамлакатимиздаги қонун устуворлигини таъминлашга ҳамда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Болаларнинг бегонаси бўлмайди

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг мантиқий давомидир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссиясининг фаолияти айнан ана шундай эзгу мақсад, ёшлар, айниқса, ота-оналар меҳридан мосуво болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйининг бу йилги 51 нафар битирувчиларидан икки нафари 11-синф ҳажмини, қолган 49 нафари 9-синф ҳажмини ташкил этади. Уларнинг барчаси ўз лаёқатлари ва истакларига кўра ўқув юртларига жойлаштирилди. Таълим олиш жараёнида ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар. Айрим битирувчилар туман прокуратурасига мурожаат қилиб, ўзлари истаган ўқув юртларига киришлари учун ёрдам сўрадилар. Уларнинг бизга билдирган ишончлари, албатта, қувончли, шу бифлан бирга табиий ҳол, деб қабул қилдик. Чунки прокуратура ходимлари «Меҳрибонлик уйи»да тез-тез бўлиб, болалар билан очиқ суҳбатлар ўтказиб туради. Болаларнинг яшаш, овқатланиш шароитлари, соғлиги, ўқишлари назоратга олинган. Бу гал ҳам бизга мурожаат қилган болаларга ёрдам бердик. Жумладан, Рустам Мирзакаримов болаликдан спортга меҳр қўйган. «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчилар билан суҳбатлардан бирида бу бола ўзининг қатъиятлилиги, айни пайтда кўзларида муҳрланиб қолган меҳрга ташналик, соғинч ҳисси билан эътиборимни тортди. Унинг қизиқишларини ўрганиб, меҳрибонлик уйида ТАЭКВОНДО тўгарагини очдик. Ҳозирда Рустам ТАЭКВОНДО бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони, келажакда ҳарбий бўлмоқчи. Бу ҳам бўлса ундаги ватанпарварлик туйғусининг бир белгисидир. Рустам айни кунда Чирчиқ шаҳридаги Олимпиада захиралари коллежининг талабаси бўлди.

Ҳасан ва Ҳусан Солиевлар имтиёзли равишда техника олий ўқув юртига кирдилар.

— Биз учун Меҳрибонлик уйимиз — Ватан. Ватан эса ота-онамиздир, — деди улар хайрлашув оқшомида. — Эсимизни таниганимиздан бери шу даргоҳдамиз. Ҳар доим давлатимизнинг ғамхўрлигини, эътиборини ҳис қилиб яшадик. Бу ерда олган таълим-тарбия, билимимиз мустақил ҳаётда бизга жуда асқотади, таянч бўлади.

Дарҳақиқат, меҳр-мурувватли юртимиз ҳамиша бу болалар билан бирга, уларга елкадош, ҳар қачон кўмакка шай. Туман прокуратурасининг саъй-ҳаракатлари билан болаларнинг ҳар бирига ҳомийлар бириктириб, улар томонидан банкдаги ҳисоб рақамларига пул ўтказилган. Барча битирувчилар янги ўқув кийимлари, ўқув қуроллари ва қишки кийим-бош билан таъминланди. Токи улар мустақил ҳаётнинг дастлабки онларида асло қийналмасинлар. Ўқув йилини янги куч, кўтаринки кайфият билан бошлашлари учун «Сижжак» оромгоҳида 15 августга қадар мириқиб дам олдилар. Тоза ҳаво, сўлим табиат қўйнида ўтган завқли дамлар болаларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаб, уларга жисмоний ва руҳий қувват бахш этди.

Биз, албатта, бундан буён ҳам «Меҳрибонлик уйи» битирувчилари билан биргамиз. Уларнинг келгуси ҳаётлари, ўқишлари, яшаш шароитларини кузатиб, назорат қилиб, лозим бўлган ҳолларда кўмаклашиб борамиз. Айниқса, ота-она, яқин кишиларидан бутунлай маҳрум бўлган, битирувчиларимиз ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлади.

Юртбошимиз **«Болаларнинг бегонаси бўлмайди»,** деб таъкидлаганларидек, «Меҳрибонлик уйи» болалари бизнинг фарзандларимиз, ҳар биримиз уларнинг келгуси тақдирлари учун доимо масъулиятни ҳис этиб яшамоғимиз даркор.

Битирувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашган пайтда юзларида барқ урган шижоат, ўктамликни кўриб, кўнглим таскин топди. Уларнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топа билиб, элу юртимизга нафи тегадиган инсон бўлиб етишишларига яна бир бор амин бўлдим. Зеро, бизнинг инсонпарвар юртимизда ёшлар камолоти, устувор сиёсий йўналишлардан бирига айланган. Эндиги гап, келгуси ҳаётингиз сиз ёшларнинг матонат ва ғайратингизга ҳам боғлиқ. Мустақил ҳаётда сизга ҳамиша имону эътиқод ёр бўлсин.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бўка туман прокурори

Илму ҳунарга ҳавас уйғотиб

Бугунги кунда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ-тартибот органлари ва халқ хўжалиги тармоқларини етук ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминлашда соҳага оид олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қатори Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент юридик коллежи жамоасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Инсонда илм олишга бўлган эҳтиёж етакчи ўринни эгаллайди. Ўқувчиларнинг илмга бўлган иштиёқи баланд, китобга меҳри беқиёс. Коллежда ўқув — услубий ва илмий ишларни мувофиқлаштириш, таълим мазмунини чуқурлаштириш, таълим сифати ҳамда мутахассислар малакасини ошириб бориш мақсадида услубиёт бўлими фаолият олиб боради. Бўлим мутахассислари томонидан ўқув-тарбия ва услубий ишларга оид материаллар тизимлаштирилади. Илмий-техник ахборот материаллари тўғрисида маълумот тайёрланади.



Ўқув даргоҳида илмий-педагогик тажрибалар олиб бориш учун ўқитувчи ходимларга зарур шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинган.

Таълим-тарбиянинг мазмунини такомиллаштириш, узвийлигини таъминлаш, ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратларини ошириш, илмий-педагогик тадқиқотлар натижаларини, услубий қўлланмалар, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, илмий-техник жараённинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, ўқув-тарбия жараёнини керакли ҳужжатлар, услубий воситалар билан комплекс таъминлаш, янги инновацион технологияларни дарс жараёнига жорий қилиш каби вазифалар бўлим ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Услубиёт хонасида ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида «Ёш ўқитувчилар» бурчаги ташкил қилинган.

Бугунги кунда таълим масканида жами 134 нафар олий маълумотли педагоглар, жумладан бир нафар фан доктори, профессор, 11 нафар фан номзоди, уч нафар доцент, 14 нафар олий тоифали ўқитувчилар ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатишяпти.

Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятини янада яхшилаши, ўқувчиларнинг алоҳида фанларга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида кафедраларнинг «Очиқ фан ҳафталиги» ташкил этилган.Фан ўқитувчилари томонидан қўлланмалар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, 2006-2007 ўқув йилида маънавий ва маърифий ҳамда илмий-оммабоп мавзуларда миллий матбуот нашрларида 20 дан зиёд мақолалар эълон қилингани педагоглар илмий салоҳияти юқори эканлигидан далолат беради.

КАМОЛОТГА ИНТИЛИБ

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **ҳар бир авлод — бетакрор ижтимоий ҳодиса, у ҳар қандай халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласи, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир.**

Коллежнинг маънавият ва маърифат бўлими томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ёшларни юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган. Маънавият ва маърифат хонасида барча адабиётлар, мавжуд бўлиб, ўғил-қизларнинг севимли маънавий масканига айланган.

Коллеж маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан Президентимизнинг кўплаб Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари юзасидан ўқувчилар маънавиятини бойитишга қаратилган мулоқотлар ташкил этиб келинади.

Бу даргоҳда Миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг зукколик, изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун ҳар томонлама шароит ва имкониятлар яратилган. Турли спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. 2006-2007 ўқув йилида ўтказилган ўқувчилар орасида жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги қатор давра суҳбатлари, суд, прокуратура ходимлари, «Кўкча», «Чўпонота», масжиди имом-хатиблари билан турли мавзулардаги жонли мулоқотлар, учрашувлар ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Ёшлар ва ҳуқуқ», «Ғоямиз — ҳимоямиз», «Ҳуқуқ ва бурчларимиз», «Ёшлар жиноятчиликка қарши», «Амир Темур даврида давлат ва ҳуқуқ», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Муомала маданияти ва кийиниш одоби», «Ўзбекистон суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш йўлида», «Ислом дини-тарбия» сингари тадбирлар ўқувчи ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ифодаси бўлди. Шу билан бирга ёшларни диний экстремизм, гиёҳвандлик ва халқаро терроризмга қарши курашишга чорловчи «Ҳаёт-мамот» номли фильм намойиши ва фильм ижодкорлари билан бўлган учрашув ҳам қизиқарли кечганини таъкидлаш жоиз.



Коллежда маънавий маърифий ишлар кўламининг кенгайтирилиши бежиз эмас. Чунки, фарзандларимизнинг маънавий дунёқараши, тафаккури юксак, фикри соғлом, қарашлари теран бўлса, уларнинг истиқболи ҳам порлоқ, келажаги мустаҳкам бўлади. Зеро, маънавиятга, маърифатга, таълим билан бир қаторда ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқ-одоби, тафаккури ривожига қаратилган эътибор келажакда ўз мевасини беради.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ота-онасиз, ногирон ва кам таъминланган талабаларнинг 15 нафарига жами 150 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёрдамга муҳтож талабалардан 4 нафари мунтазам равишда ойлик йўл чипталари билан таъминланяпти.

ЗИЁ МАСКАНИ

Коллежнинг замонавий талабларга жавоб берадиган Ахборот ресурслари маркази фондини 50400 та адабиёт ва

24 номдаги электрон дарсликлар жамланмаси ташкил қилади. Марказда 120 ўринли қироатхона мавжуд. Бу ерда ўтган йили Тошкент Давлат юридик институти ва коллеж профессор ўқитувчилари ҳамкорлигида яратилган 15 номдаги касб-ҳунар коллежлари учун ҳуқуқий фанлардан дарсликлар ҳам ўрин олган.

Марказ ҳар йили 36 номда вақтли матбуот нашрлари билан таъминланяпти. Зиё маскани жорий йилда 1881 дона умумтаълим фанларидан, 6980 дона махсус фанлардан янги адабиётлар билан бойиди.

Бу ерда турли байрамлар, таниқли намояндаларнинг таваллудларига атаб кўргазмалар намойиши ажойиб анъанага айланган. «Она тилим — жону дилим», «Конституция ва қонуннинг устуворлиги», «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» ва бошқа мавзуларда ташкил этилган кўргазмалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳар куни юзлаб ўқувчилар ўз билим ва тасаввурларини оширишга интиладилар. Зеро, китоб маънавиятимиз, маърифатимиз кўзгусидир.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Таълим-тарбия тизимини тубдан яхшилаш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ҳар бир таълим муассасаси жамоасининг эзгу мақсадидир. Бу эса асосан ўқув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Таълим мазмунини тубдан янгилаш, ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, кўп жиҳатдан, коллежнинг ўқув бўлими зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди.

Мазкур бўлим йўналиш бўлимлари, кафедралар ҳамда коллежнинг бошқа таркибий бўлимларида ўқув жараёнини режалаштиришга бевосита раҳбарлик қилиб боради, шунингдек, ҳамма турдаги ўқув машғулотлари ва аттестация ўтказиш жадвалларини тузади, уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Ўқув бўлимига бириктирилган кафедраларда ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтишга тайёргарлиги ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш, ўқитувчининг ўз устида ишлаши, малакасини ошириб боришига жиддий эътибор қаратилади. Коллежда ўтилаётган дарсларни таҳлил қилиш режа асосида олиб бориляпти. Ўқувчиларга пухта билим бериш, дарсларни замон талабларига мос равишда ташкил қила билиш, аввало, ўқитувчининг малакасига боғлиқ. Шу мақсадда ўқитувчилар ўз вақтида малака ошириш курсларига юборилиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб қайтмоқдалар.

БУГУНГИ ЎҚУВЧИ — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

Ҳар бир бола ўзига хос иқтидор эгаси. Фақат ота-она, мураббий ҳамда ўқитувчилар бу иқтидорни ўз вақтида илғаб, унинг ривожланиши учун зарур шароит яратишлари лозим.

Фарзандларимизни ўз қизиқиш ва иқтидорларига қараб бирор касбга йўналтириш катта аҳамиятга эга. Юртимизда фаолият юритаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларга ўз қизиқиши, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касбларни эгаллаш имконини бермоқда.

Яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсон зийнати. Шу боис ўқувчилар иккинчи ва учинчи босқичда корхона, муассаса, ташкилотларда амалиёт ўтайдилар. Муҳаррам Сатторова, Шоира Аҳмедова, Қодирхон Жўраев, Ҳамиджон Содиқов, Адолат Исмоилова каби тажрибали устозлар амалиёт ўташ бўйича тузилган шартномаларга асосан ҳокимият, адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Давлат архивларида амалиёт ўтаётган ўқувчиларга услубий ёрдам берадилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг амалиёт давомида етарли шарт-шароитлар билан таъминланиши назорат қилиб борилади. Битирувчи ўқувчиларни иш билан таъминланганлиги ёки ўқув юртларида ўқишни давом эттираётганлиги ҳақида мониторинг ўтказиб турилади.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари, судлар департаментининг ҳудудий бошқармалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анвар ХИДИРОВ,
Марҳабо СОБИРОВА

ҚОРАҚАЛПОҚ ТОМОНЛАРДА

Сарсенбай Сейтназаров Президентимизнинг 2007 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Сарсенбой оға билан учрашиб, унинг офтобда қорайган юзлари, чайир қўллари, дадил хатти-ҳаракатларида янги қорақалпоқ деҳқони тимсолини кўрдим. Оға «Тико» машинасида далаларни айлантириб, фермер хўжалиги билан таништира бошлади. Бепоён, кенг далаларнинг бир қаричи ҳам бўш қолмаган. Кўриб кўзинг қувонади, дилинг яйрайди: экологик вазияти оғир қорақалпоқ ерларида мана шундай иш юритишнинг ўзи мўъжиза.

Сарсенбой оға Сейтназаров бошлиқ «Тайимбет» фермер хўжалиги 2000 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда 328 гектар ер майдонига эга. Мавжуд ер майдонининг 140 гектарига шоли, 100 гектарига буғдой, 40 гектарига пахта, 8 гектарига беда, 5 гектарига полиз, 10 гектарига жўхори, қолган ерларга эса олма, узум, терак экилган. Фермер хўжалигида 54 одам иш билан таъминланган, шу билан бирга ҳар мавсумда қўшимча равишда 42 одам шартнома асосида ишга жалб қилинаркан. Ўтган йили ҳосилдорлик ҳамма соҳа бўйича режадагидан ортиғи билан бажарилиб, хўжалик 341 миллион сўм соф фойда билан чиққан.

Бу йил ҳам фермер 100 гектарга экилган буғдойдан шартнома асосидаги 140 тонна ўрнига 180 тонна буғдой ҳосили йиғиб олди.

17 гектарлик боғ олисдан кўзга ташланади. Тартиб билан экилган турли хил мева дарахтларининг ҳосилдан шохлари эгилган. Парвариши ўз ўрнида бўлгани учунми, мевалар сархил бўлиб кўзга ташланади. Боғни қандай бунёд қилганлиги ҳақида Сарсенбой оға тўлиб-тошиб гапиради:

— 2000-2002 йиллардаги сув танқислиги бу боғларга ҳам ўз таъсирини еткизди. Сувсизликдан дарахтлар қурий бошлагач, боғ 2004 йили тендерга қўйилди. Ва биз бу тендерда ютиб чиқдик. Ёмон бўлмади. Асосийси, боғни сақлаб қолдик. 3-4 гектар майдондаги мева дарахтлари қайта экилди. 3 гектар ерга оқ терак экдик. Вақтида парвариш қилингани учун ҳам боғ тез орада ўз қаддини тиклади.

Тахтакўпир бозорларида мева, полиз маҳсулотлари бугун ҳийла арзон. Бунда, албатта, Сарсенбой оғанинг ҳам ҳиссаси бор.

Боғдан қайтаётганимизда йўл четида ўт йиғиб юрган қарияни кўриб Сарсенбой оға машинани секинлаштирди, сўнгра машинадан тушиб саломлашди, аҳвол сўраб, гап бошлади:

— Ҳа, отахон, тузалиб қолдингизми? Ўт керак бўлса айтмайсизми, йигитлардан жўнатардим. Яқинда оёққа турдингиз. Дам олиб ётсангиз бўлар эди.

— Э, ўғлим. Бекорчидан худо безор. Бекор ўтирсам сиқилиб кетаман. Худога шукр, болаларим барча нарсани муҳайё қилиб қўйишибди. Ўзим тоза ҳаводан нафас олай деб, яна қимирласам, ўзимга ҳам, уйга ҳам фойда деб келаман. Ўтирсам ўтириб қоламан. Яхшиси, кампирим билан айланиб келай деб чиққан жойим эди.

— Э, отахон, шундай демайсизми, демак кампирингизни қоровуллаб келган экансиз-да, — деб ҳазиллашиб, бироз кулиб олишди.

Қорақалпоқлар жуда ҳазилкаш халқ. Ҳазилинг ярашса, отанг билан ўйна, дейишади, улар. Бу ерда ҳам Сарсенбой оға ҳазиллашиб, отахоннинг кўнглини кўтарди.

Бугунги кунда фермернинг Махпалкўлда 200 дан ортиқ қора моли, Қизилқумда 500 бош қўйэчкиси бор. Сурувга яқинлашаётганимизни кўриб, чўпон йигит от бошини биз томон бурди. Сарсен оға йигит билан ҳол-аҳвол сўрашиб, унга ҳам ҳазил аралаш гап қилди:

— Бу йил, насиб этса, ўзим қалин тўлаб сени уйлантириб қўяман. Қаллиғингни топиб қўявер.

Йигит миннатдорчилик билан жилмайди. Ҳақиқатан ҳам Сарсенбой оға саховатпеша инсон. Ўтган йил Тахтакўпир мактаб интернатига 3 миллион 11 минг сўмлик (шулардан 500 минг сўмлик китоб, қолганлари гуруч, буғдой каби) ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар учун 2 миллион 700 минг сўмлик хайрия ёрдами ажратилди. Қурбон ҳайити, Наврўз байрамларида қариялар учун 555 минг сўм ёрдам пули, уч нафар кам таъминланган оилага соғин қорамол берилган. Хуллас, ўтган йилнинг ўзида 9 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилган.

Келаётганимизда йўлда бир аёлни икки боласи билан учратдик. Чўпоннинг онаси экан. Машинадан тушиб саломлашдик. Сарсенбой оға ҳол-аҳвол сўраб, нима етишмовчилик борлигини суриштирди. Аёл отарда ун, ўтин тугаб қолганлигини ийманибгина билдирди.

— Бугуноқ етказаман, — дея Сарсенбой оға ваъда бериб хайрлашди. Ҳақиқатан ҳам машинада келаётиб Сарсенбой оға йигитлари билан гаплашиб, бугуноқ чўпон уйига ун, ўтин етказиб беришни топширди.

Шундан сўнг канал бўйига бордик. Сув насоси бузилиб қолган экан. Тузатаётган йигитлардан нима кераклигини сўраб дарҳол етказиб келиши учун шу ердаёқ телефон орқали кимларгадир топшириқ берди.

Мени қизиқтиргани шу бўлдики, хўжаликдаги кўпчилик трактор ва ишчиларда қўл телефони бор экан. Ҳаммаси бир-бирлари билан алоқада. Кўп ишлар телефон орқали бажарилмоқда. Суҳбат орасида Сарсенбой оғанинг ҳам телефони бир зум тинмайди. Барчасига жавоб беради ёки ваъда бериб, шу зумдаёқ ваъдасини бажариш учун телефонга уланади.

Шу орада Чимбой туман ҳокими ўринбосари Нукусдан олиб келинаётган комбайнни Чимбойдан олиб кетишни телефон орқали хабар қилди. Сарсенбой оға дарров комбайнчи йигитларга қўнғироқ қилиб, бу масалани ҳам бир зумда ҳал қилди.

— Рафиқам ҳам ёнимда, йўл-йўлакай гурунг беради, оға. Менга қўл билан қанот. Мавсум маҳали тракторчилар, ишчилар дала бошида овқатланишади. Ўша пайтлари Пердахон жонимизга оро киради. Мана шунинг учун ҳам Сарсенбой оғанинг оиласидан кўнгли тўқ. Бугунги кунда оғанинг катта қизи Наргиза Нукус тиббиёт институти 4-курсида таҳсил олмоқда. Ўғли Юсупбой Тошкентда Юридик коллежи талабаси. Хуллас, оға фарзандларидан мамнун. Тошкентга Нукусга йўли тушса, албатта, улардан хабар олади. Болаларининг билимли, мустақил бўлиб тарбияланишига ҳаракат қилади.

Сарсенбой оға кўп болали оилада вояга етган. Отаси Ержан оға оддий деҳқон, онаси Салима опа мактабда фаррош бўлиб ишлар эди. Бутун мавсум отасига ёрдамлашса, ўқиш пайтлари дарсдан сўнг онасига мактаб печкасига ўтин ёқиш, синфни тозалашга ёрдамлашар эди. Имконияти бўлмаганлиги учун Сарсенбой оға университетга эмас, Нукус қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. 1981 йили агроном-ташкилотчи мутахассислиги факультетини муваффақиятли тамомлади. Ўқишда олган билимларини амалда ҳам ўринли қўллай олди. Армиядан қайтгач, бироз вақт «ПМК» да қурилиш устаси бўлиб ишлади. 1985 йилдан Маҳпалкўл жамоа хўжалигида бригадир бўлиб иш бошлади. Ўқишда олган билимлари амалиётда жуда қўл келди. Йилдан-йилга тажрибаси орта бошлади. Ҳосилдорлик ортгани сари ўзига бўлган ишончи ҳам орта борди. Ўша кезларда Тахтакўпир тумани шоликорликка ихтисослашган эди. 1993 йилдан бошлаб пахта экила бошланди. Йиллар давомидаги тажриба фермерни тоблантирди. Ишнинг кўзини билган Сарсенбой оғани атрофдагилар ҳам ҳақиқий деҳқон сифатида тан олишди ва унга ишонишди.

— Деҳқоннинг бошқа соҳа эгаларидан фарқи шундаки, у ҳеч қачон умидсизликка тушмайди. Чунки ҳар қанча қийинчилик, муаммо бўлмасин, ишини тўхтатмайди. Ҳар йили ерга уруғ қадайди. Униб чиққан ниҳолни ўз фарзандидек асраб-авайлайди, парвариш қилади, ҳосилини кутади. Кейин ҳосил нес-нобуд бўлмасин, деб тиришади. Сўнгра шудгорлаб, суғориб, келаси йилга ерни таёрлайди. Хуллас, йил давомида орзу-умид. Ҳатто қиш пайтида ҳам тиним билмайди. Ўтган йилги камчиликларини тўғрилашга, улгура олмай қолган ишларини бажаришга ҳаракат қилади. Халқнинг дуоси деҳқонга доимо мадад. Қилган меҳнатлари натижасини кўриш, албатта, қувонч бағишлайди. Менинг меҳнатларим халқимиз, ҳукуматимиз томонидан доимо юқори баҳоланиб келинди. 1999 йили энг фаол шоликор сифатида «Тико» машинаси билан тақдирланган эдим. Мана, бу йил «Ташаббус» кўрик танловида энг фаол фермер сифатида Президент совғаси — Матиз автомашинаси билан мукофатланишим ҳаётимдаги энг катта ютуғим, яъни қилган меҳнатларимиз эл-юрт, Президентимиз назарида эканлигининг ёрқин далили, деб биламан.

Тумандан ифодалаб бўлмас ифтихор туйғуси билан қайтдим. Негаки, юртимизда Сарсенбой оғадек ҳақиқий тоза қалбли, меҳнаткаш инсонлар бор экан, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Зулайҳо БЕКМУРАТОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини чинакам инсонпарварлик намунаси сифатида эътироф этсак арзийди. Тўғри, аввалига айрим кишилар ушбу Фармон мазмун-моҳиятини тўлиқ англамасдан, ўлим жазосини бекор қилиш жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келиши мумкин, қабилида фикрлар билдирдилар.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўлим жазосини бекор қилишнинг афзалликларини англаб етганлар сони ортиб бормоқда. Бу эса фуқароларни қонунларни ҳурмат қилишга, уларга риоя қилишга ундамоқда. Натижада кейинги йилларда ўта оғир жиноятлар сонининг кескин камайганлиги кузатилмоқда.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Хўш, жазо нима учун тайинланади? Киши ўз айбига иқрор, пушаймон бўлиши, ундан тегишли хулоса чиқариши учун эмасми? Қайта тарбияланиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун эмасми? Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ўлим — жазо бўлолмайди. Ўлимга ҳукм қилинган кишида қайта тарбияланиш, жамиятга қайтиш имкони бўлмайди. Амалий тажрибалар содир этилган жиноят учун оғир жазо тайинлаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиб бўлмаслигини тасдиқлади. Аксинча, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш орқалигина жиноятчиликка қарши самарали курашиш мумкин.

Қолаверса, ўлим жазосининг бекор қилинишида демократик мезонлар асос қилиб олинган. БМТ томонидан қабул қилинган **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»**нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги белгиланган. **«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»**да яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланиши таъкидланади.

Конституциямизда ҳам **«... инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият»** ҳисобланиши, **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи»** эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида **«Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислоҳ этишдир»** номли маърузасида жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган муҳим масалалардан бири эканлигига алоҳида тўхталиб ўтган. Ушбу маърузадан кейин фуқаролар инсонпарварлик тамойилларининг мамлакатимизда кенг жорий қилинаётганлигига яна бир карра амин бўлдилар.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши инсонийлик ва гуманизм тимсолидир. Аслида ўлим жазосининг умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши бу жазо моҳиятини тамоман ўзгартирди, дегани эмас. Фақат бу ҳолатда жиноят содир этган шахсга қилмиши ҳақида мушоҳада юритиш, айбини ювиш, жамиятга наф келтириши учун имкон яратилади. Ахир, ҳар қандай тажовузкор жиноятчи ҳам, аввало, инсон. Ҳеч бир инсон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Нотўғри тарбия, турли ташқи таъсирлар оқибатида боши берк кўчага кириб қолади. Жазолашдан мақсад, бу инсонни бутунлай рад этиш эмас, аксинча, уни тарбиялаш, эзгуликка йўналтириш экан, бу борада ўлим жазоси орқали ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги аниқ.

Қурбонбой ЕРАЛИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раиси

Мустақиллик йилларида банк соҳасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгарди. Улар бир тилда гаплашиш, ягона мақсад йўлида фаол ҳамкорлик қилиш кўникмасига эга бўлишди. «Банк мижоз учун» деган тамойил ҳаётда ўз тасдиғини топди. Бугунги кунда банкнинг молиявий мададидан баҳраманд бўлмаган тадбиркорни топиш амримаҳол. Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ришталарининг шаклланганлиги республикамиз иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлмоқда, десак муболаға бўлмас.

Микрокредитбанк: ҳамкорликка чорлайди

«Микрокредитбанк»ининг Қорақалпоғистон филиали ва унинг Нукус, Тўрткўл, Манғит бўлимлари томонидан мижозлар ишончини оқлаш, уларга янада кенгроқ қулайликлар яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу қулайликлар қаторида минибанкларимиз сони 28 тага, агентликларимиз сони 3 тага етганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Шу каби тадбирлар натижасида банкимиз мижозлари ой сайин ортиб бормоқда. Дейлик, айни пайтда биз 2904 мижозга хизмат кўрсатяпмиз. Бу 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 539 нафарга кўпдир.

Етти ой давомида ажратган кредитларимиз миқдори 7317,3 миллион сўмдан ошди. Пахта ва ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузган фермер хўжаликларига 6093,62 миллион сўм, яъни пахта ҳосили етиштиришга 5791,6 миллион сўм ва ғалла етиштиришга 302 миллион сўм кредит ажратилди. Банкнинг мадади ва қишлоқ мулкдорларининг фидоий меҳнатлари туфайли ғалла етиштириш шартномавий режаси ортиғи билан уддаланди. Пахта ҳосилининг бугунги ривожи улкан пахта хирмони кўтарилишидан дарак бермоқда. Бу эса, ҳар икки томон учун ҳам иқтисодий самарадорликка эришилади, дегани.

Кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб- қувватлашга 1223,7 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олдинлари кредит сўраб мурожаат қилувчиларнинг аксарияти бу хусусда етарли тушунчага эга эмасди. Кўпчилик тадбиркорлик субъектлари ишни юритиш учун кредит олиш ўрнига кредит олиш учун фирма очиш ҳаракатида бўларди. Бу эса бизга ҳам, мижозларга ҳам ноқулайликлар туғдирарди. Шундай тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида тадбиркорлар ўртасида семинарлар ўтказишни йўлга қўйдик. Бугунги кунда кредит олиш истагини билдираётганлар реал лойиҳа асосида иш бошлаш ниятида юрганлардир. Мижозларимизда бундай кўникманинг пайдо бўлаётгани икки томон учун ҳам катта қулайликлар туғдирмоқда.

Бу йил «Агро Минитех Экспо-2007» кўргазмасида бўлиб, мини технологиялар сотиб олиш истагини билдирган тадбиркорлар билан истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда. Бу юзадан 10 та хўжалик мини технология ва техникалар сотиб олиш бўйича тузган шартномаларни молиялаштириш учун банкка мурожаат қилди. Барча лойиҳалар бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланиб, кредит бериш бошланди. Жумладан, Элликқалъа туманидаги «Араббой-обод» фермер хўжалиги банкнинг 25,9 миллион сўмлик кредити асосида «Беларус-80» трактрига эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 308-сонли қарори асосида кам таъминланган оилаларга қора мол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Бу борада банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 123 нафар кам таъминланган оилага 107,3 миллион сўм, бошқа манбалар ҳисобидан 35 нафар оилага 23,5 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирон ишни бошлаш учун аввало сармоя керак бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳа ривожига ҳисса қўшиш мақсадида 73 та мижозга 250,4 миллион сўмлик кредит берилди. Берилган кредит асосида 184 та янги иш ўрни ташкил этишга муваффақ бўлинди.

Бизнинг мижозларимиз орасида хотин-қизларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. 306 нафар тадбиркор аёлга 344,2 миллион сўмлик кредит ажратиб берилди. Банк кредитлари эвазига 1040 нафар фуқаро янги иш ўрни билан таъминланган бўлса, шундан 502 нафарини аёллар ташкил этади. Бу ҳам аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Банкнинг иккинчи ярим йиллик иш режасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, кичик бизнес, тадбиркорликни молиявий қўллаб- қувватлаш устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Шу қаторда, ёш оилаларни истеъмол ва ипотека кредитлари билан таъминлаш, фермер хўжаликларига молиявий мадад бериш тадбирлари давом эттирилади. Мижозларни нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолини бўш пул маблағларини омонатга кўпроқ жалб этиш чоралари кўрилади. Биз хизмат кўламини кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда бўлим, ҳар бир овулда минибанклар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бунинг учун барча шароит етарли. Шундай экан, қорақалпоғистонлик тадбиркорларни, янги иш бошлаш ниятида юрган юртдошларимизни ҳамкорликка чорлаймиз.

Дилбар ХОЖАНИЁЗОВА,
Микрокредитбанкнинг
Қорақалпоғистон
Республикаси
бошқармаси бошлиғи

Инсон хотираси азиз

Устозни ёд этиб...

Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик фанининг ривожланишида Шавкат Ўразаевнинг хизматлари жуда катта. Бугунги кунда юртимизда ҳуқуқшунослик фанининг юксалишига ҳисса қўшаётган кўпгина ҳуқуқшунослар, олимлар ва педагоглар унинг қўлида сабоқ олишган.

Шавкат Ўразаев — 1927 йилда Бошқирдистоннинг Чукмагуш туманида туғилди. 1947 йилда Тошкент Давлат юридик институтини, 1950 йилда шу институт аспирантурасини тамомлади. 1951 йилда номзодлик, 1963 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кўп йиллар мобайнида ТошДУ – ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультетида давлат ва ҳуқуқ назарияси, тарихи ҳуқуқидан дарс берди. 1994-1995 йилларда Тошкент Давлат юридик институти ректори вазифасида ишлади.

Заҳматкаш олим кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда давлат қурилиши назарияси ва тарихи, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби долзарб мавзулардаги тадқиқотлари билан танилди.

Биз — бу жонкуяр ва фидойи инсоннинг шогирдлари у кишидан ўқув аудиторияларида юқори савияда ўқилган маърузаларни эшитиш шарафига муяссар бўлганимиздан ўзимизни ниҳоятда бахтли ҳисоблаймиз. Назаримизда, у кишининг маърузаларида ўзгаларда учрамайдиган бир сеҳр бордек туюларди, талаба ёшлар, илмий ходимлар, аспирантлар олдида юксак масъулият ҳиссини англаш устознинг олижаноб фазилатларидан бири эди.

У ўзининг меҳнат фаолияти мобайнида республикамизда юқори малакали юрист-мутахассислар, қонунийликни таъминлаш соҳасида меҳнат қилувчи амалиётчи ва фидойи олимларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди. У кишини буюк назариётчи олим, моҳир педагог сифатида нафақат мамлакатимиз, балки қўшни Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа МДҲ давлатлари ҳуқуқшунослари ҳам яхши билишади.

Академик Шавкат Ўразаев икки юздан зиёд давлат ва ҳуқуқшунослик масалаларига оид монография, дарслик, қўлланма, илмий мақолалар ва маърузалар матни муаллифи эди.

Устоз Конституция назарияси соҳасида ҳам ўзига хос янгилик яратган олимдир. У Президентимиз раҳбарлик қилган мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилишда Конституцион коммиссия ишчи гуруҳининг раиси бўлиб, унинг лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашди. Шавкат Ўразаевнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида 1995 йилда ўзбек тилида, 1997 йилда эса рус тилида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳнинг эълон қилиниши кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

У ўз меҳнат фаолияти давомида юқори малакали кадрлар, айниқса, ёш илмий ходимлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Унинг илмий раҳбарлигида ўттиз нафар ҳуқуқшунослик фанлари номзоди ва бир неча фан докторлари етишиб чиқди. Унинг шогирдлари ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа олий даргоҳларда талаба ёшларга чуқур билим бериб, устоз анъаналарини давом эттириб келмоқдалар.

Атоқли олимнинг республикамизда ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлган.

Домла ҳаёт бўлганларида, бу йил 80 ёшни қарши олган бўлардилар. Афсуски, бугун у киши орамизда йўқ. Лекин устознинг бой илмий меросини фарзандлари ва шогирдлари давом эттириб келмоқда.

Лавиза КАШИНСКАЯ,
Курбонали ХОЛМЎМИНОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ «Давлат ва ҳуқуқ назарияси, тарихи ва халқаро ҳуқуқ» кафедрасининг доцентлари

Озод юрт ёшлари

Ватан ҳақида сўз

Ватан нима? Ватанпарвар ким? Қандай ришталар бизни бу заминга боғлаб турибди? Нима учун умримиз давомида билиб-билмай шу макон сари талпиниб яшаймиз? Ватан ҳақида кимдир ножоиз гап айтса худди ўзимиз ҳақоратлагандек, қалбимиз ларзага келади. Унга қарши сўз айтмоққа чоғланамиз.

Газетамизнинг ушбу махсус сонида эстрада хонандаси, «Ниҳол» мукофоти совриндори Лола АҲМЕДОВАнинг она юртга муҳаббат ҳақидаги мулоҳазалари, Ватан сурати-ю, сийратига чизгилари билан танишасиз.

ТУЙҒУ

Биз билан ватан орасида узилмас жон ришталар бор. Томиримизда қон оқар экан, тилимиздан бир сўз айланар экан, демак миллат юрагидан Ватан деган муқаддас туйғуни айириб бўлмайди. Бу туйғу вужудимизга жон билан кирган.

Аслида, Ватанни таърифлаш учун муносиб сўз топиш осон эмас. Фақат вужудимизга жон билан кирган бу туйғунинг муқаддаслигини юракдан ҳис этолган инсонларгина шунга эришишлари мумкин. Назаримда, ҳар бир санъаткор Ватан ҳақида куйлаганида ҳар бир сатрига ўзининг юрак қўрини қўшиб куйлаши керак. Айтаётган сўзи билан амали бир бўлсагина унинг нолалари ўзга кўнгилларни ҳаяжонга солади.

ФИКР

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Республикадаги ўзига хос бўлган бу демографик вазият аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бораётганини кўрсатиши билан бирга куч ва ғайратга тўла навқирон авлод камол топаётганидан далолат бериб турибди. Мамлакат таянчи ва суянчи бўлган ёш авлод келажагимиз буюклиги йўлида хизмат қилишига ишончимиз ҳам, имконимиз ҳам етарли. Негаки, Президентимиз раҳнамолигида ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Уларнинг муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Амалга оширилаётган илғор ғоялар самараси наинки шаҳарларга, балки чекка-чекка ҳудудларга ҳам ўз қўламини ёйган. Мамлакат бўйлаб ижтимоий муаммоларга барҳам бериш, ёшларни маънавий, моддий қўллаб-қувватлаш, изланишлар учун кўмаклашиш каби амалий ҳаракатлар иқтидорли-истеъдодли йигит-қизларга кенг имкониятлар эшигини очган. Айниқса, иқтидорли талабалар учун Президент стипендияларининг ташкил этилиши, фан, таълим, маданият каби соҳаларда ютуқларни қўлга киритган истеъдодли қизларимизнинг «Зулфия» номидаги давлат мукофоти билан тақдирланаётганлиги, ёш истеъдод эгалари учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилишининг ўзи ҳам келажагига бефарқ бўлмаган юртнинг фарзандларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолат бериб турибди.

ИШОНЧ

Масъулият хисси одамни олдга интилишга, ҳаракатга бошлайди. Айниқса, ёш, мустақил давлат фарзандлари елкасидаги масъулият назаримда икки ҳисса кўпроқ. Негаки, мамлакат келажаги буюклиги, халқнинг бундан-да фаровон яшаши, давлатнинг куч-қудрати кўпроқ улғайиб келаётган ёшларга боғлиқ бўлади. Биз эса Ўзбекистон ёшларининг бир вакили сифатида ҳар биримизга билдирилган бу ишончга жавобан юрт келажагининг янада порлоқ бўлиши йўлида хизмат қилишимиз керак. Бизга катта умид ва ишонч кўзи билан қаралмоқда экан, ҳар биримиз бу ишончни оқлаш мавриди келганини ҳис қилишимиз лозим. Биз чин маънодаги Ватанга содиқ, ота-онамиз, халқимиз орзусидаги фарзандлар бўлишимиз керак.

Бугун замон ўзгармоқда. Шу халққа муносиб, шу Ватанга содиқ, янгича фикрлайдиган авлод камол топаётир. Кўзларида нур чақнаётган, ғайратидан, шижоатидан ўт чақнаган бу авлодга катта умид боғланган. Улар Ватаннинг бугуни, эртаси. Дадил одимлаётган мана шу ёшларнинг кўзларида кўрамиз чинакам ватанпарварликни, фаолиятидан, тафаккуридан сезамиз элига, юртига садоқатини.

Даҳолар даргоҳи

Сальвадор Далининг кемтик бахти

Тақдир уларни учраштирган пайтда Гала турмуш қурган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга улгурган жувон, Сальвадор эса ноёб қобилияти энди-энди гунчалай бошлаган ёш йигит эди. Кўркам, келишган қад-қомати, гап-сўзлари ўзига мос бўлган дилбар аёл рассом йигит кўнглини ром этди. Учрашувларнинг бирида аёл Сальвадорнинг пинжига тиқилар экан: «Биз ҳеч қачон ажралмаймиз!», дея шивирлади. Гала ич-ичидан севиклисининг келажакда буюк санъаткор бўлиб етишишини сезарди. Шу сабабли у йигитнинг истеъдоди гуллаб-яшнаши учун тинимсиз ижод қилишига шароит яратиб беришга уринди.

Аммо... уларнинг бахти кемтик, аёл бошқа бировнинг рафиқаси эди. Гала 1913 йилда Швейцарияда бўлганида ёш шоир Пол Элюар билан танишгач, бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришганди. Шоир хотинини қаттиқ севар, унга атаб кўплаб шеърлар битганди. Бироқ Гала уни ёқтирмас, асосий вақтини ўзидан ўн ёш кичик бўлган рассом билан ўтказар эди. Ҳижрон, рашк, висол аралашиб кетган узундан-узун кунларнинг бирида учта қалб битта қарорга келишди. Франциянинг фуқаролик ишлари бўйича департаменти Гала ва Элюар ўртасидаги никоҳни бекор қилди.

Гала ва рассом энди тўла бахтиёрлик нашидасини сура бошлаганида аёл қаттиқ касал бўлиб қолди. Мураккаб кеч-

ган жарроҳликдан сўнг Гала бир умр фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлди. Аммо бу фожиа ҳам Сальвадор Далининг севиклисига бўлган муҳаббатини заррача ҳам камайтирмади. У дунёдан фарзандсиз ўтишга ҳам рози бўлди.

Севишганлар маълум бир давр бир-бирлари билан бирга бўлиб бошқа дунёни унутишди. Гала унга илҳом париси бўлиш билан бирга Сальвадорнинг барча хўжалик ишларини ҳам зиммасига олди. Рассомнинг фақат ижод билан машғул бўлишига шароит яратди. Унинг асарларини бош қаҳрамони бўлди.

Гала жуда соҳибжамол эмасди. Аммо рассом рангларни севгига лиммо-лим қалбидан олиб ишлагани боис, унинг асарларида тасвирланган аёл бетакрор ҳусн-латофат соҳибасига айланди.



1941 йили Америкада С.Далининг ўлмас асарларидан бири «Атом хоним» намойиши жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Унда тасвирланган жозибадор аёл ҳам рассомнинг рафиқаси Гала эди...

Гала шўх аёл бўлиб, кўп йигитчалар унга хушторлик қилишарди. Хотинининг сирли саргузаштларидан воқиф Сальвадор асарларидаги баъзи чизгилар билан буни тасвирлаб ҳам ўтган. Шунга қарамай, у ўз Галасини севарди.

Йиллар ўтиб, Сальвадор Далининг шуҳрати дунёга танилгач, кўп гўзаллар унга ошиқи беқарор бўлди. Маъшуқалардан бири Парижга янги либослар кўргазмасига келган мафтункор Аманда Лиргина рассомни ўзига ром эта олди. Биринчи учрашувдаёқ рассом ўзидан йигирма ёш кичик гўзалга бир вақтлар Гала айтган сўзларни қайтарди: «Биз энди бир умр бирга бўламиз». Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Аманда ҳам Гала сингари кўп йиллар рассомнинг гўзал асарларини яратишда тимсол бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда дунёнинг энг нуфузли кўргазма залларида намойиш этилаётган «Анжелика ва Аждарҳо», «Муқаддас Георгий» асарларида Аманда тасвирланган.

Рассом кўп вақтини Аманда Лир билан ўтказса-да, ёшлик ҳуснини йўқотган илк маҳбубаси Галани ҳам унутолмасди. 1982 йилда Гала вафот этгач, Сальвадор Дали шундай деди:

— Мен, аввало, Аллоҳ таоло, сўнг рафиқам Гала шарофати билан оламшумул шону шуҳратга эришдим...

Аслида ҳам шундай бўлганди.

Иззат АҲМЕДОВ,
тайёрлади

Чақмоқтош

БУ ҚАНДАЙ ТАДБИР?

Хотинининг юриш-туриши, хулқи, одоби ва хизматидан камчилик тополмаган жоҳил эр ундан қандай қутулиш йўлини ўйлаб юрар экан. Иссиқ кунларнинг бирида чанқаган аёл қўлидаги сув тўла косани энди оғзига олиб борган эди ҳамки, эри унга: «Агар сен шу косадаги сувни ичсанг, тўксанг ёки қўлингдан қўйсанг — талоқсан!», деб-ди. Шўрлик аёл бу ҳолатдан қандай қутулиш тўғрисида узоқ вақт бош қотирибди ва бир қарорга кела олмагач, қўлидаги бир коса сув билан қозига боришга қарор қилибди. Ортидан эри эргашибди. Аёл қозига бўлган воқеани сўзлаб берибди. Шунда қози эр-хотин ва гувоҳларнинг кўз ўнгида бир ҳийла ишлатибди. Натижада эрининг қўйган талоқ шартларидан бирортаси ҳам бузилмабди ва уларнинг никоҳи сақланиб қолибди.



Хўш, қози қандай тадбир ишлатди?

БИР ҲОВУЧ ДУР

Қулнинг ҳам қули бор...

Бир бой одам давлатмандлигидан керилиб, донишмандга дебди:

— Сизга қанча пулу олтин керак бўлса, мана мендан сўранг!



— Йўқ, — дебди донишманд. — Мен қулимнинг қулидан нарса сўрамайман!

— Ие, қанақасига сизга қул бўлай? — қаҳр билан дебди бой.

Шайх жавоб берибди:

— Нафс — менинг қулим, сен эса нафснинг қулисан!..

Ҳа, инсон учун нафсга қул бўлмоқ фожиадир.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс 646882
Буюртма № Г 715
Топшириш вақти: 21⁰⁰
Топширилди:

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.